У ССР Давлат архив палатаси
Гос. книжн... УЗССР
31 июл 1984

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАҒАН • № 174 (18.950). • Сешанба, 31 июль 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

РЕСПУБЛИКА САНОАТИНИНГ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси хабар беради: республика саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1984 йил январь-июль ойлари планини муддатидан илгари — 30 июль куни бажардилар.

Нефть қазиб олиш, машинасозлик маҳсулотларининг бир қанча турларини, чинни-фаянс идишлар, шойи газлама ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан январь-июль ойлари планининг ошириб бажарилиши кутилмоқда.

(ЎзТАГ).

Тажрибакорлар минбари

СУВЧИ МАСЪУЛИЯТИ

Қосонсой районидаги «Дўстлик» совхози сувчиси А. Холиқов ўз тажрибаси билан ўртоқлашиб, сувчиларнинг бугунги зарбдор ишлари ҳақида ҳикоя қилади, ўз таклифларини ўртага қўяди.

Партия ва ҳукуматимиз биз, деҳқонлардан кўп миқдорда пахта етказиб беришнигина эмас, балки унинг толаси пишиқ-пухта, саноатбоп бўлишини ҳам талаб қилмоқда. Толанинг сифати учун кураш эса чигитни экишга тайёрлашдан олдинроқ бошланиши зарур. Ҳозирги кунларда биз, сувчиларнинг ўз ишимизга нақадар меҳр билан қарашимиз, сув зар бўлса, биз ҳақиқий заргарлардай уни исроф қилмай ишлата олишимиз муҳим аҳамиятга эгадир.

Сувчининг яхши ишлаши учун, биринчи навбатда унинг иши устидан назорат кучайтирилиши керак. Бригадамизда ҳаммамиз ишга бирдай масъулмиз. Масалан, сувчи механизаторнинг қандай ишлаётгани устидан назорат қилса, биз дала гвардиячиларининг эгат оралари-ни қандай юмшатганликларини текшириб борамиз. Чунки, эгат оралари сифатли культивация қилинса, сув яхши оқиб, ғўза намликка қонади. Агар сувчи масъулиятсизлик қилиб, баъзи эгатларга сувни ортиқча оқизса, культивация қилиш қийинлашади.

Баъзи хўжаликларда деҳқонларни яхши ишлашга даъват этишади-ю, лекин уларга зарур шарт-шароитлар яратишга аҳамият беришмайди. Бригадамизда бунинг аксини кўрасиз. Дала шийпонимиз узоқдан худди боғни эслатади. Атрофда ҳар турли мева дарахтлари бор.

Эрта баҳордан то кеч кузгача деҳқоннинг дастурхонидан ноз-неъмат узилмайди. Бригада шийпонида ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Қорамол, қўй, паррандаларни яхши парвариш қиляпмиз. Ташқаридан чорва маҳсулотлари сотиб олмаймиз.

Коллективимиз ўтган йили ялпи ҳосилнинг 90 процентга яқинини биринчи сортларга топширишга эришди. Биз бу йил ҳам учинчи-тўртинчи сорт пахта бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки, сифатсиз пахта деҳқонга ҳам, давлатга ҳам фақат зиён келтиради.

Шу кунларда долзарб кунларни бошдан кечирямиз. Ҳозир ғўзаларимиз балоғатга етган, алоҳида озуқа, парвариш талаб қиладиган пайти. Айни кунларда ғўзасини вақтида суғормай, озиқлантирмаган, рангини сарғайтирган деҳқоннинг юзи кўзда шувит бўлади. Шу сабабли бригадамизнинг ҳар бир аъзоси кун иссиқ бўлишига қарамай, парваришни кун сайин кучайтирмоқдалар. Механизаторлардан Карим Алиқулов, Обид Маъзумов, Жамол Ҳамроев ва бошқалар кунига 6—7 гектар ерга сифатли ишлов беришмоқда. Бу айтишга осон. Совхозимиз адирликларга жойлашгани учун ғўза қаторларини культивация қилиш механизатордан кўп тажриба, меҳнатсеварликни талаб қилади. Уларда эса бундай сифатлар бор.

Ерларимизнинг қияликлардан иборат бўлгани учун суғориш ҳам қийин. Косонсой райони камсув зона ҳисобланади. Бу йил ҳам сув танқислиги сезилмоқда. Бироқ сув кам бўлса ҳам ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта етиштириш ҳақидаги аҳдимиздан қайтганимиз йўқ. Сувни исроф қилмаслик, ҳар қатра сувнинг мўл ҳосил учун хизмат қилишини таъминлаш мақсадида кўп йиллик тажрибаларимиздан самарали фойдаланяпмиз. Ер шароитини ҳисобга олиб, ўқариқларни қисқа оганмиз. Ўқариқлар бизда 40—50 метрдан олинади. Агар у узун олинса, ғўза сувга қонмайди. Битта картани суғориш учун, албатта, ернинг шароитига, куннинг ҳароратига қараб, бир сутка вақт сарфлаймиз. Ҳосил тўплаш даврида эса бир ярим-икки сутка сув оқизиляпти. Сувни тежаб ишлатиш, ғўзани қондириб суғориш учун ҳар беш литр сувга битта сувчи ажратилган. Бригадамизда 50 киши бўлиб, уларнинг 30 нафари сувчилик қилишмоқда. Моҳир сувчилардан Усмон Низомиддинов, Абдураҳим Мирзаев, Абдуваҳоб Бозоров ва бошқалар ғўзани фақат тунда суғоришмоқда. Бунинг қандай афзалликлари бор? Биринчидан кечаси эгатларга очилган сув кам буғланади, ғўза сувга қонади. Кун салқинлиги учун насослар тезда қизиб, тўхтаб қолмайди. Сувнинг буғланиши кам бўлади.

Бригадамизда минг тонна-га яқин маҳаллий ўғит жамғариб ҳар йили 25—30 гектарга яқин майдонга солинади. Кейинги уч йил ичида 120 гектар майдон маҳаллий ўғит оборотидан чиқарилди. Бундай ерлар уч йилгача яхши ҳосил беради. Иккинчи сув билан «шарбат» оқизишни бошлаймиз. Натижада намлик сақланади, ғўзага қувват бўлади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Абдусаттор Шарипов бошлиқ бригадамиз аъзолари ўтган йили 200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 47 центнердан ҳосил олган эдилар. Бу йил 50 центнерни мўлжаллаганмиз. Мен кўп йиллардан бери сувчи бўлиб ишлайман. Юқорида айтганимдай асосан тунда меҳнат қиламиз. Аммо районимизда тошфонарлар етишмайди. Савдо ташкилотлари бизни бу керакли асбоб билан таъминлай олмаяпти. Аслида ҳозир ишлаб чиқарилаётган тошфонарлар далада ишлатиш учун ноқулай. Сал шамол турди, дегунча ўчиб қолади. Сўнгги пайтларда биз электр фонардан фойдаланаётган эдик. Лекин унинг батареясини топиш қийин бўляпти.

Пахта майдонларимиз қиялик, юмшоқ тупроқли бўлгани сабабли тиргакариқ, ўқариқларга қорақоғоз солиб, суғориб бўлгач, яна қайтадан йиғиштириб оламиз. Бригадамизнинг ўзига бир йилда ана шундай материалдан 5 минг ўрами керак бўлади. Илгари эгат боши ювилиб кетмаслиги учун ажрик босар эдик. Натижада ғўза қатор ораларини ўт босарди. Кейинги йилларда бундан воз кечдик. Ҳозир эгат бошига ивимайдиган қоғоз бостиряпмиз. Қорақоғоз ва ивимайдиган қоғозларни топиш учун ҳар йили қийналяпмиз. Совхоз бўйича ана шулар ва насослардан сув чиқариб олишнинг ўзига йилига планда кўзда тутилмаган 250 минг сўм сарфланади. Оқибатда пахта етиштириш таннархи қимматлашмоқда. Бундай қийинчиликларни республикамизнинг бошқа областларидаги пахтакорлар ҳам бошидан кечиришаётган бўлса керак. Агар саноатимиз ишлатиб бўлиб, яна йиғиштириб олинадиган сув тақсимлагич полиэтилен мосламалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйса айни муддао бўларди.

Абдурасул ХОЛИҚОВ,
Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозининг сувчиси.

УЧИШ ПРОГРАММАСИ ТЎЛА БАЖАРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

«Союз Т-12» кемасининг аъзолари—С. Савицкая, И. Волк ва В. Жонибеков. ТАСС фотохроникаси.

Владимир Жонибеков, Светлана Савицкая ва Игорь Волк ерга қайтиб тушдилар

Космонавтлар Владимир Жонибеков, Светлана Савицкая ва Игорь Волк «Салют-7» — «Союз Т-12» илмий-тадқиқот комплекси ичида биргаликда бажариладиган ишлар программасини тугаллаганларидан кейин 1984 йил 29 июль куни Москва вақти билан соат 16.55 минутда Ерга қайтиб тушдилар. Леонид Кизим, Владимир Соловьев ва Олег Атьков «Салют-7» орбитал станциясида учишни давом эттирмоқдалар.

«Союз Т-12» кемасининг ерга туширилaдиган аппарати Совет Иттифоқи территориясининг белгиланган районида Жезқазғон шаҳридан 140 километр жануби-шарқда Ерга қўнди. Жонибеков, Савицкая ва Волк ўртоқлар Ерга қўнганларидан кейин уларнинг кайфиятлари яхши.

Орбитал комплекс ичида олти космонавтдан иборат экипажнинг иш даврида илмий-техника тадқиқотлари ва экспериментларининг планлаштирилган программаси тўла бажарилди. Космонавт аёл Светлана Савицкаянинг киши бошқарадиган учиш тарихида илк бор очиқ космосга чиқиши жуда катта воқеа бўлди. Ташриф экспедицияси экипажининг командири Владимир Жонибеков ва борт-инженер Светлана Савицкая 3 соату 35 минут давомида станция ташқарисида бўлиб, янги универсал асбобни синаб кўрдилар. Бу асбоб очиқ космос шароитида мураккаб технология операцияларини бажариш, шу жумладан металл пластинкаларни қирқиш, пайвандлаш, кавшарлаш ва юзига қоплама югуртириш учун мўлжалланган.

Космонавтлар Ернинг табиий ресурсларини тадқиқ этиш ва атроф-муҳитни ўрганиш программасига мувофиқ Совет Иттифоқи территориясининг айрим районларини кузатиш ва суратга олиш соҳасида бир қатор ишларни бажардилар. Ер атмосфераси структурасини ва космик фазода планеталараро жисмларнинг тақсимланишини тадқиқ этиш борасида бир қатор экспериментлар ўтказилди.

Экипажнинг ишида космик технология ва биотехнология соҳасидаги экспериментлар анча катта ўрин олди. Вазнсизлик шароитида олинган ўта соф биологик актив жисмлар ва узоқ вақт мобайнида очиқ космик фазода турган конструкцион материалларнинг намуналари Ерга олиб тушилди.

Парвоз вақтида космик учиш шароитлари инсон организмига таъсирини чуқурроқ ўрганишга ва вазнсизликнинг нохуш таъсири профилактикасининг методлари ҳамда воситаларини такомиллаштиришга қаратилган медицина тадқиқотлари комплекси ўтказилди. Космик учиш омилларининг турли биологик объектларга таъсирини ўрганиш юзасидан бир қатор экспериментлар бажарилди.

Космонавт аёлнинг иштироки билан экипаж парвозининг муваффақиятли тугалланганлиги космик фазони ўзлаштириш тарихида янги ёрқин саҳифа бўлди. Ўтказилган тадқиқот ва экспериментларнинг натижалари фаннинг ва мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланилади ва тинчлик мақсадларида космик техникани ва космик фазо тадқиқотларини ривожлантиришда кенг истиқболлар очиб беради.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ С. Е. САВИЦКАЯНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА ИККИНЧИ «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик парвозни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт-учувчиси ўртоқ Светлана Евгеньевна **Савицкая Ленин** ордени ва иккинчи **«Олтин Юлдуз»** медали билан мукофотлансин.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўртоқ С. Е. Савицкаянинг жасоратини нишонлаш учун қаҳрамон туғилиб ўсган юртда бронзали бюст ўрнатилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **К. ЧЕРНЕНКО.**

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль.
1984 йил 29 июль.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

КОСМОНАВТ-УЧУВЧИ ЎРТОҚ И. П. ВОЛККА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик парвозни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун космонавт-учувчи Игорь Петрович **Волкка Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ва **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **К. ЧЕРНЕНКО.**

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль.
1984 йил 29 июль.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ИККИ МАРТА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ В. А. ЖОНИБЕКОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик парвозни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатгани учун икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт-учувчиси ўртоқ Владимир Александрович **Жонибеков Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **К. ЧЕРНЕНКО.**

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль.
1984 йил 29 июль.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ И. П. ВОЛККА «СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-7 — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик учишни амалга оширганлиги учун ўртоқ Игорь Петрович **Волкка «СССР космонавт-учувчиси»** унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **К. ЧЕРНЕНКО.**

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль.
1984 йил. 29 июль.

СОЦИАЛИСТИК ҚОНУНЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

30 июль куни республика партия активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорлари асосида социалистик қонунчиликка риоя қилиш ва ҳуқуқбузарларга қарши курашни кучайтириш соҳасида ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органлар кадрларининг масъулиятини ошириш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифаларига бағишланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев йиғилишни очиб, катта нутқ сўзлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров йиғилишда доклад қилди.

Йиғилишда КПСС XXVI съездининг қарорларини, ўртоқ К. У. Черненконинг уюшқоқликни ошириш, ҳамма жойда ишчанлик, социал адолат принципларини қарор топтириш тўғрисидаги кўрсатмаларини изчил амалга ошириш муҳим эканлиги таъкидланди. Республикамиздаги коммунистлар, барча меҳнаткашлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг партия ва давлат интизомини, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган қарорларини қизғин маъқулладилар.

Докладда ва йиғилиш қатнашчиларининг нутқларида уқтириб ўтилганидек, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органлар жамиятимизнинг сиёсий системасида алоҳида ўрин эгаллайдилар. Улар шундай қудратли воситаки, унинг ёрдами билан хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларида қаттиқ тартиб ўрнатиш, совет қонунларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мумкин. Шу билан бирга республикадаги бир қанча прокуратура, ички ишлар ва юстиция органларининг фаолияти қўйилган талабларга жавоб бермаётир. Кўпгина партия комитетлари бу органларга юзаки раҳбарлик қилмоқдалар, уларнинг фаолиятига баҳо беришда кўпинча принципсизликка йўл қўймоқдалар.

Йиғилишда айтиб ўтилганидек, кўзбўямачиликка, қўшиб ёзишларга қарши ва бошқа салбий ҳодисаларга қарши курашга эътиборни кучайтириш зарур. Халқ бойлигини талон-торож қилувчиларга, порахўрларга, чайқовчиларга, рецидивистлар—такрор жиноят қилувчи шахсларга, ҳалол меҳнат қилишдан бўйинтовлаётган кишиларга нисбатан муросасозликка мутлақо йўл қўйиш мумкин эмас. Безорилик, ичкиликбозлик текинхўрликка қарши қатъий курашиш керак. Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органлар барча бўлинмаларининг ўзаро пухта иш олиб бориши, жамоатчиликнинг кенг доираларини бу ишга жалб этиш — ҳуқуқбузарликни тамомила йўқотиш йўлида муваффақиятли кураш олиб бориш гаровидир.

Йиғилиш қатнашчилари партия комитетларининг ҳуқуқ-тартиботни ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш соҳасида биринчи навбатда турган вазифалари тўғрисида гапириб, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш билан боғлиқ бўлган масалаларни кескин қилиб қўйдилар. Маъмурий органларга кадрлар танлаш вақтида баъзан партиявий принципиалликка риоя қилинмаётганлиги мутлақо ярамас ҳолдир. Бунинг натижасида баъзи жойларда номуносиб кишилар раҳбарлик лавозимларига кўтарилди, айрим ҳолларда эса обрўсини тўкиб кўйган ходимлар жазодан қутилиш учун бошпана топдилар.

Йиғилишда республикадаги ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этувчи органлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларига амал қилиб, ўз фаолиятидаги камчиликларни жуда қисқа вақт ичида бартараф этишлари лозим эканлиги таъкидлаб ўтилди. Ана шу органларнинг бошланғич партия ташкилотлари бу ишда катта роль ўйнашлари керак. Хизмат интизомини мустаҳкамлашга, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид руҳини, топширилган иш участкаси учун ҳар бир ходимнинг шахсан жавобгарлигини қарор топтиришга қаратилган ҳамма ишларда актив қатнашиш — ана шу бошланғич партия ташкилотларининг жанговар вазифасидир.

Йиғилишда СССР Бош прокурорининг ўринбосари С. А. Шишков нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари В. А. Аболенцев қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

Юбилей йили вахтасида

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР:

ҚУРУВЧИЛАР АҲДИ

● Шаҳар чеккасида қурилаётган Ғиждувон консерва заводида корхонани ишга туширишга олдидан сўнгги ишлар бошланди.

Заводнинг бош корпусида технология линияларини монтаж қилиш ва пардозлаш ишлари ниҳоясига етди, коммуникация тармоқлари ётқизилиб, ёрдамчи участкаларда ишлар тугалланмоқда.

Йилига 15 миллион шартли банка маҳсулот берадиган завод шу йил охиридагина ишга туширилиши лозим эди. Бироқ «Бухароблкелхозстрой» трестига қарашли 91-механизациялашган колонна меҳнаткашлари республика юбилейи шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, бу муддатни тўрт ой қисқартиришга аҳд қилдилар.

МАРРАДАН ЎЗИБ

«Андижанводстрой» трести 8-механизациялашган кўчма колоннасининг скрейперчилар бригадаси бошлиғи Неъматжон Шарипов меҳнатда катта зафар қучди. У беш йиллик бошидан буён икки беш йиллик шахсий топшириғини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Пешқадам механизатор механизмларининг капитал ремонтда туриш муддатини қисқартиришга ва минг килограмм ёнилғи, 500 сўмлик эҳтиёт қисмлар тежаб қолишга эришди. Пландаги 462 минг ўрнига 934 минг кубометр тупроқ ишлари амалга оширилди.

«Ҳурмат Белгиси» орденли ва «Сув хўжалиги аълочиси» нишондори Н. Шарипов бригадаси ҳам меҳнатда ажойиб ютуққа эришди. Коллектив беш йилликнинг ўтган 3,5 йилли давомида 3,980 минг кубометр тупроқ ишлари бажарди.

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРОРИ ТАЙИНЛАНДИ

ССР Иттифоқи Бош прокурорининг буйруғига мувофиқ ўртоқ Алексей Владимирович Бутурлин Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Прокурори этиб тайинланди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда актив иштирок этганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг инструктори ўртоқ Лидия Шахтухатовна **Беккульбековага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИДА

ИШЧАНЛИК, УЮШҚОҚЛИК, ПРИНЦИПИАЛЛИК

Область партия комитетлари пленумлари қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида ўз ишларини таҳлил қилмоқдалар, камчиликларни рўй-рост кўрсатмоқдалар, социал-иқтисодий тараққиётнинг янги режаларини белгиламоқдалар

Олдин хабар қилганимиздек, Андижон, Бухоро ва Сурхондарё область партия комитетларининг навбатдаги пленумлари бўлиб ўтди. Уларда партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг йўл-йўриқлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарори асосида партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш соҳасида партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар муҳокама қилинди. Андижон область партия комитети пленумида унинг биринчи секретари С. Мамарасулов, Бухоро область партия комитетининг пленумида унинг биринчи секретари И. Жабборов, Сурхондарё область партия комитетининг пленумида унинг биринчи секретари А. Каримов ўртоқлар доклад қилдилар. Андижон область партия комитетининг пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. Айтмуротов, Сурхондарё область партия комитетининг пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони Ю. П. Максимов, Бухоро область партия комитетининг пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Халқ контроли комитети раиси В. А. Хайдуров ўртоқлар қатнашиб, нутқ сўзладилар. Пленумларда коммунистлар, раҳбар кадрлар, кенг меҳнаткашлар оммаси ишдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун изчил кураш олиб борадилар, 1984 йил ва умуман, ўн биринчи беш йиллик планлари муваффақиятли бажарилади, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи катта ютуқлар билан нишонланади деб, ишонч билдирилди. Юксак активлик, амалий танқид ва талабчанлик руҳида ўтган пленумларда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ИЖРО ИНТИЗОМИ МУСТАҲКАМЛАНСИН

Учинчи ва ўн биринчи беш йилликнинг ўтган уч йилида Андижон облсти саноатининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришга 1,5 миллиард сўм сарф қилинди. 26 та янги саноат корхонаси қурилди. Кўпгина завод ва фабрикалар реконструкция қилинди, уларнинг қуввати оширилди. Область саноати асосий фондларини 50 процент, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 15,8 процент кўпайтиришга муваффақ бўлинди. Лекин танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтган область партия комитетининг пленумида ўн биринчи беш йилликнинг ўтган муддатидаги ютуқлар умумлаштирилди, камчиликлар юз-хотирсиз дадил очиб ташланди.

АНДИЖОН

Андижон, Балиқчи, Бўз, Жалолқудуқ, Қўрғонтепа, Избоскан, Марҳамат, Москва ва Пахтаобод районларининг корхоналари ўн биринчи беш йиллик топшириқлари даражасига чиқа олмадилар. Фондларнинг самарадорлиги 1980 йилга нисбатан 18 процент камайиб кетди. Бунга сабаб: ишлаб чиқариш қувватлари вақтида ўзлаштирилмади ва улардан тўла фойдаланилмади. Областда асбоб-ускуналарнинг смена коэффициенти 1,2 дан ортмади. Агар смена коэффициенти бир ярим баравар оширилса, йилига 100 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Кейинги уч йилда областда меҳнат унумдорлигининг ўсиш плани 89,6 процент бажарилди. Шу туфайли 35 миллион сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди.

Пленумда кўпгина корхоналарнинг раҳбарлари ташаббуссиз ишлаганликлари, айрим министрликлар планларга тузатишлар киритиб, уларни камайтиришдан иборат яроқсиз практикага ёпишиб олганликлари ҳақида жиддий гаплар бўлди. Масалан, Андижон машинасозлик заводида планга тузатишлар киритилгани туфайли 1983 йилда мамлакатга 600 минг сўмлик гидроаппарат етказиб берилмади. Андижон шаҳрида 8 та корхона планига тузатиш киритилди. Шунинг натижасида 14 миллион сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди.

Бундай тузатишлар 1984 йилда ҳам бўлди. Биргина апрель ойида 20 та корхонанинг плани ўзгартирилди. Оқибатда областда саноат маҳсулоти реализация қилиш 33,2 миллион сўмга, товар маҳсулоти ишлаб чиқариш эса 33,3 миллион сўмга камайди. Область план комиссиясининг раиси А. Жалилов, область ижроия комитети раисининг ўринбосари Х. Қодиров ўртоқлар план интизомининг мунтазам бузилишига кўникиб қолишди.

Область план комиссияси йўл қўйилган камчиликлар ҳақида обкомга вақтида ахборот бериб турмайди. Область партия комитетининг А. Набиев, А. Жалилов раҳбарлик қилаётган тармоқ бўлимлари ҳам талабчанликни сусайтириб юбордилар.

Докладда ва пленум қатнашчиларининг нутқларида кўпгина корхоналарда интизомсизлик, қўнимсизлик, спиртли ичимлик ичиб, ишга келмаслик ҳоллари ҳали ҳам учраб туриши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Кейинги уч йилда областда интизомсизлик ва бекор туриш оқибатида 230 минг киши-куни йўқотилди. Бу вақт ичида 19,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эди.

Айрим партия ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархни камайтириш, тежамкорлик масалалари билан жиддий шуғулланмаётирлар. 12 та саноат корхонасида маҳсулот таннархи ортиб кетди. Улар орасида Ленинск ва Сўфиқишлоқ пахта, Андижон гидролиз заводлари бор.

Пленум қатнашчилари область автомобиль хўжаликлари, алоқачилар, савдо, умумий овқатланиш, медицина, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари ишида жиддий камчиликлар борлиги, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўнгилдагидек эмаслиги, ип газлама комбинати ва унинг Қўрғонтепа, Избоскан, Пахтаобод филиаллари тўла қувват билан ишламаётгани ҳақида ташвишланиб гапирдилар.

Пленум қатнашчиларини айниқса пахтачиликдаги аҳвол ғоят ташвишлантириди. Пахта тайёрлаш саноати бирлашмасида ўтган йили тола ажратиб олиш планга нисбатан 1 процент камайди. 28 минг тонна хом ашё нобуд бўлди. Шу билан бирга тўртинчи сортга пахта топшириш кўпайиб, толанинг сифати кескин пасайди. Пахтанинг қуйиндига айланиши 2,3 марта кўпайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида Андижон область партия комитетининг худди шу соҳадаги фаолияти танқид қилинган эди. Область партия ташкилоти ҳаққоний танқиддан тегишли хулоса чиқариб олди. Обком пленумининг танқид ва ўз-ўзини танқид, камчиликларга муросасизлик руҳида ўтганлиги, унда аҳволни тузатишга қаратилган амалий фикрлар айтилгани бунинг далилидир.

Пленумда партиявий масъулиятни унутган, бошқалардан яхшироқ яшашга ҳаракат қилган, хизмат мавқеини шахсий мақсадларда суиистеъмол қилган раҳбар кадрлар масаласига алоҳида тўхтаб ўтилди. Балиқчи район партия комитетининг собиқ биринчи секретари Д. Маликов халқ ишончини оқламагани учун Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигидан чақириб олинди.

Андижон ип газлама комбинатининг директори С. Ниёзов учун қурилган катта кошона болалар поликлиникаси ва касалхонаси ташкил этиш учун шаҳар ижроия комитети ихтиёрига берилди. Пленум қатнашчилари давлат маблағларини совуриш, исроф қилиш ҳолларини қораладилар, бу ҳоллар пировард натижада партиявийлик, камтаринлик ва халқ олдидаги масъулият туйғусидан маҳрум бўлишга олиб боришини таъкидладилар.

Аҳоли энг зич жойлашган Андижон шаҳрида уй муаммоси ҳамон долзарб масала бўлиб турибди. Андижон область партия комитети шуни ҳисобга олиб, Андижон уй қуриш комбинатини реконструкция қилиб, қувватини ошириш масаласини кўтарган эди. Республика ҳукумати бу ташаббусни маъқуллаганига анча бўлди. Лекин республика Қурилиш министрлиги бу тадбирнинг амалга оширилишига тўғаноқ бўлиб турибди. Пленумда область марказини газ, сув билан таъминлаш ҳамон ёмон аҳволда эканлиги, бу масалани ҳал қилиш учун республика ташкилотларининг амалий ёрдами кераклиги қайд этиб ўтилди.

Пленум Ленинск шаҳрида (биринчи секретари Т. Ҳожиқосимова), Москва районида (биринчи секретари Н. Турсунов) кадрлар билан ишлашда жиддий камчиликлар борлигини таъкидлади. Бутун шаҳар ва районда халқ маорифи бўлимининг мудири тўрт мартадан, Хўжаобод ва Балиқчи районларида эса уч мартадан алмаштирилди. Кейинги бир ярим йилда областда 65 та мактабнинг директори ўзгартирилди. Уларнинг ярмидан кўпи молия интизомини бузганлиги учун ишдан олинди.

Докладчи ва пленумда сўзга чиққан Андижон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Й. Ҳамидов, Хўжаобод агросаноат комбинатининг ишчиси Ф. Илёсова, Балиқчи, Москва район партия комитетларининг биринчи секретарлари А. Мўминов, Н. Турсунов, гидролиз заводининг аппаратчиси, обкомнинг бюро аъзоси В. Шеголева, область ижроия комитетининг раиси Ж. Хасанов, 162-қурилиш трестининг экскаваторчиси Ш. Салоҳиддинов ва бошқа ўртоқлар партия ташкилотларида кадрлар амалий ишда суст тарбиялаётганлиги, уларни танлашда ишчанлик қобилияти ҳисобга олинмаётганлиги, қариндош-уруғлик, ошна-оғайнигарчилик, хушомадгўйлик, лаганбардорлик томонлари устун келаётганлиги, айрим ходимларга қилмишларига яраша жазо берилмаётганлиги, партиявий ишда ҳам кўзбўямачилик, алдамчилик ҳукм сураётганлиги ҳақида принципиал гаплар айтдилар.

Андижон областида кўзбўямачилик, қўшиб ёзишга қарши кураш бошланганига олти йил бўлди. Шу давр ичида партия комитетлари номенклатурасидаги 110 раҳбар ходим ножўя хатти-ҳаракати, кўзбўямачилиги, ўзига юклатилган вазифани уддалай олмаганлиги учун ишдан бўшатилди. Шундан 27 кишининг иши тергов органларига топширилди. Бундан хулоса шуки, кадрлар билан ишлашда кўпол хатоларга йўл қўйилди. Вазифа — хатоларни тузатишдан иборатдир.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими ўртоқ В. В. Бакатин иштирок этди. Пленум муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПАРТИЯВИЙ ТАЛАБЧАНЛИК АСОСИДА

— Областимиз коммунистлари, — деди пленумда доклад қилган обкомнинг биринчи секретари А. Каримов, — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар, уни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилдилар. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш ишида йўл қўйилган хатолар, партия, давлат ва меҳнат интизомининг бўшашиб кетганлиги туфайли бўлган салбий ҳолатларга қарши курашга қаратилган ленинча принципиал позициясидан чуқур қониқиш ҳосил қилдилар.

СУРХОНДАРЁ

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан Термиз шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Т. Жўраева, Денов районидаги С. Раҳимов номли колхоз бригадири Ҳ. Азимова, Термиз район партия комитетининг биринчи секретари Н. Норқобилов, Шеробод районидаги «Гулистон» совхозининг директори Ч. Худоёрова ва бошқа нотиқлар областни социал-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолининг моддий ва маънавий фаровонлигини ошириш соҳасида муҳим ютуқлар қўлга киритилганлигини таъкидладилар. Кейинги йилларда саноат ва қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, коллектив пудрат усулини жорий этиш асосида муайян ютуқларга эришилди. Қишлоқ хўжалигида алмашлаб экишни жорий этиш, суғориладиган ерлар самарадорлигини ошириш, пахта ҳосилдорлигини, айниқса, ингичка толали пахта ҳосилини кўпайтириш йўли қатъият билан ўтказилянти.

Бироқ, шу билан бир қаторда пленум қатнашчилари партия ташкилотларининг ташкилий-сиёсий ишлари талаб даражасида эмаслигини таъкидладилар. Сўнгги йилларда кадрларни танлаш ва тарбиялаш сиёсатида, область экономикаси ва маданиятини ривожлантириш соҳасида, одамларни тарбиялашда кўпол камчиликларга йўл қўйилди. Ютуқлардан ҳаволаниб манманликка берилиб, дабдабабозлик, хотиржамлик, кўзбўямачилик кучайди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан Ангор районидаги 1-кўчма колонна экскаваторчиси И. Манназов, Жарқўрғон нефть ва газ қазиб олиш бошқармаси партия комитетининг секретари Н. Ярцева, Денов сут заводи ишчиси Г. Бурих ва бошқалар беш йилликнинг ўтган уч йилида саноатнинг асосий фондлари 24 процент ўсишига қарамай, ишлаб чиқариш ҳажми атиги 15,8 процентга кўпайганлигини чидаб бўлмайдиган бир ҳол, деб қаттиқ танқид қилдилар. Шу давр ичида саккиз хил маҳсулот бўйича белгиланган планлар бажарилмади. Булар жумласига ош тузи ва кўмир қазиб олиш, пахта толаси ишлаб чиқариш ва бошқалар киради.

«Облзаготхлопкопром» бирлашмаси системасида аҳвол янада ачинарли: 1983 йил ҳосилидан тола ишлаб чиқариш плани бажарилмади. Пахтанинг белгиланган нормативидан ошиқча куйиб кетиши 11 процент, Ангор, Сурхон, Ленин йўли, Шеробод пахта тозалаш заводларида эса 10—21 процентни ташкил этади. Бу заводларнинг директорлари давлатни алдагганликлари, эгри ва нопок йўлга кириб кетганликлари учун вазифаларидан олиб ташланди ва қаттиқ партия жазосига тортилди.

Нотиқ ва музокарада сўзга чиққан Гагарин район партия комитети биринчи секретари Ҳ. Муродов, Бойсун районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхози бош чўпони Д. Нурматов, Ленин йўли районидаги Ленин номли совхоз алмашлаб экиш участкаси бошлиғи Т. Ашурова ва бошқа ўртоқлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида жиддий камчиликлар давом этиб келаётганлигини танқид ва ўз-ўзини танқид ўти остида очиб ташладилар, агросаноат комплексига партия раҳбарлиги қониқарсиз аҳволда эканлигини кескин танқид қилдилар. Айниқса, пахтачиликни ривожлантириш проблемалари жиддий тус олмоқда. Сўнгги йилларда пахтанинг ялпи ҳосили кўпайганига қарамай, унинг сифати ёмонлашиб борди. Тола ишлаб чиқариш бўйича берилган топшириқлар бажарилмай қолди. Пахтанинг таннархи кўпгина хўжаликларда арзонлашиш ўрнига қимматлашиб бормоқда. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик министрлиги системасидаги хўжаликларда ўтган йили бир центнер пахта ишлаб чиқариш учун кетган меҳнат харажатлари 10 сўмга кўпайди. Шоли, картошка ва маккажўхори етиштириш таннархи ҳам анча қимматлашди.

Нотиқлар ер фондини асраш ва ундан фойдаланиш ишлари бўшаштириб юборилганлигини, суғориладиган унумдор ерларни талон-торож қилишга йўл қўйилаётганлигини ачиниб гапирдилар. Кейинги уч йилда хўжалик раҳбарларининг айби билан суғориладиган унумдор ерлардан 589 гектари томорқа участкалари учун бериб юборилган. Ачинарли томони шундаки, бунинг бир қисми колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган шахсларга «хомталаш» қилиб берилган. Бу қонунсиз ишда Қумқўрғон район ижроия комитетининг раиси Э. Жумаев ўзига хос рекорд қўйди. Ана шу ҳатти-ҳаракатлари учун у қаттиқ жазоланди.

Жамоат чорвачилигида жиддий камчиликлар бор. Хўжаликларнинг қўпчилигида чорва молларнинг сони ва уларнинг маҳсулдорлиги ўсмаяпти. Ўтган йили колхозлар аҳолидан мол сотиб олиб, гўштга топширишдан 1,6 миллион сўм зарар кўрди. Бойсун, Сариосиё ва Гагарин районларида ҳанузгача сут ўрнига сариёг топширишдек зарарли практикага зарба берилган эмас.

Шунингдек, пленум қатнашчилари савдо, умумий овқатланиш, маиший ва медицина хизмати кўрсатиш ташкилотлари ва корхоналари ишида ҳам кўпол хато ва нуқсонлар борлигини дадил таҳқид қилдилар.

Область экономикаси, маданий ва сиёсий ҳаётига партия раҳбарлигини такомиллаштириш борасида йўл қўйилган хатолар асосан кадрларни танлаш ва тарбиялаш ишида ленинча принципларнинг бузилиши сабабли содир бўлди.

Жарқўрғон районида меҳнаткашлар учун уй жойлар етишмай турган бир пайтда райижроком раиси Ч. Боймуродов кўзбўямачилик қилиб коммунал объектлар ремонтига сарфланди, деб район Совети ҳовлисида данғиллама меҳмонхона қурдирди, уни безаш ва жиҳозлашга маҳаллий бюджетдан катта маблағ сарфлади.

Шу нарса ачинарлики, кейинги уч йилда маъмурий органлар, хусусан милиция ходимларидан бир неча киши жиноий жавобгарликка тортилди. Шу йилнинг ўзида уч халқ судьяси, бир прокурор ва бир ички ишлар бўлими бошлиғи ножўя хатти-ҳаракатлари учун вазифасидан олиб ташланди. Область юстиция бўлими бошлиғи Ж. Сайдуллаев икки марта автомобиль аварияси қилиб, одамлар ҳалок бўлишига сабабчи бўлган ўз ўғлини ҳимоя қилиб келганлиги учун лавозимидан бўшатилди.

Пленумда сўзга чиққан нотиқлар область партия комитетининг бюроси, секретариати ва бўлимларида ўз-ўзини танқид сусайиб кетганлигини, жонли ташкилотчилик иши қоғозбозлик, мажлисбозлик, қарорбозлик билан алмашиб кетганлигини юз-хотир этмай танқид қилдилар. Қабул қилинган қарорларнинг ижроси учун кураш сустлиги, идеология ишларида умумийлик устунлиги, атеистик пропаганда таъсирчан ва жанговар эмаслиги таъкидлаб кўрсатилди.

Кейинги саккиз йилда обком номенклатурасидаги ходимлардан 34 киши ўзини бадном қилганлиги учун вазифасидан бўшатилди. Лекин уларнинг кўпчилиги тирговичлар ёрдамида турли раҳбарлик лавозимларини яна эгаллаб олишди. 1980 йилдан бери ишдан олиб ташланган 21 нафар совхоз директори ва колхоз раисларидан 14 киши ҳозир ҳам раҳбарлик ўриндиқларини эгаллаб ўтирибди. Кейинги пайтда обком номенклатурасидаги бир қанча ходим КПСС сафидан ўчирилиб, жавобгарликка тортилди.

Пленум иштирокчилари ишдаги хато ва камчиликларни бартараф этиш, ҳамма куч ва имкониятларни республикамиз ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг муборак 60 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун сафарбар қилиш кераклигига катта эътибор бердилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партиявий-ташкилий ишлар бўлимининг мудири ўртоқ В. В. Окунский, қатнашди.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КАДРЛАР МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРАЙЛИК

Халқ хўжалигига партиявий раҳбарликни такомиллаштириш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида қаттиқ тартиб ўрнатиш — шу куннинг муҳим талабидир. Бу — КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари қарорларида, ўртоқ К. У. Черненконинг сермазмун нутқларида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Бухоро область партия комитети пленумида ҳам ана шу ҳаётий масалалар чуқур муҳокама қилиниб, область партия ташкилотларининг кейинги йиллардаги фаолиятларига принципиал баҳо берилди, йўл қўйилган жиддий камчиликлар, нуқсонларчи собитқадамлик билан бартараф этиш бўйича конкрет вазифалар белгилаб олинди.

БУХОРО

Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари И. Жабборовнинг докладида, нотиқларнинг сўзларида область экономикаси ва маданиятининг ривожланиши, меҳнаткашлар турмушининг яхшиланиб бориши партия ташкилотларининг изчил фаолият кўрсатишига, раҳбар органларнинг принципиаллигига, ҳар бир коммунистнинг партия ва халқ манфаатларини ўз шахсий манфаатидан юқори қўйишига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги ҳақида кенг фикр юритилди.

Кейинги йилларда область халқ хўжалигининг муҳим тармоқларида иқтисодий-техникавий кўрсаткичлар ёмонлашди. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги пасайиб кетди. Меҳнат унумдорлигини ўстиришга етарли даражада эътибор берилмади. Шаҳар ва қишлоқларда, район марказларида ва посёлкаларда ишчи кучлари етарли бўлишига қарамай янги қувватлардан қониқарсиз фойдаланиб келинганлиги натижасида уч йил ичида 270 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди. Ишлаб чиқарилаётган буюмлар сифати истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондирмаяпти. Сифат белгиси билан маҳсулотлар тайёрлаш умумий ишлаб чиқариш салмоғининг атиги 2,6 процентини ташкил этади, холос.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишда кўзбўямачилик, ошириб ёзиш, сохта шуҳрат кетидан қувиш катта зарар келтирмоқда. Ҳозир областдаги 160 хўжаликдан 90 таси давлатдан қарздор бўлиб қолганлигини қандай баҳолаш мумкин? Пленумда хўжаликлар экономикасига партиявий раҳбарликни сусайтириб юборган, топширилган иш учун масъулиятни унутиб қўйган, сўз билан иш бирлигини таъминлай олмаётган область агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси И. Баҳромов, қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи Ҳ. Эргашев, қорақўлчилик совхозлари трести бошқарувчиси У. Манатовларнинг фаолиятига кескин эътирозлар билдирилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида Бухоро областида пахта салмоғини ошириш, сифатини яхшилаш, тола олишни кўпайтириш борасида йўл қўйилаётган жиддий хатолар ҳаққоний танқид қилинди.

— Ҳисоботларга кўра областимиз беш йилликнинг уч йилида пахта тайёрлаш планини ошириб бажарди, — дейишди докладчи ва музокараларда сўзга чиққан Бухоро районидаги У. Юсупов номли колхоз бригадири З. Камолова, Вобкент районидаги Калинин номли колхоз раиси М. Наврўзова, Ромитан район партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Саидов, Ғиждувон пахта тозалаш заводининг ишчиси Ф. Негова ва бошқалар. — Аммо бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Аслида шу давр ичида ялпи ҳосил салмоғи, ҳосилдорлик камайиб, паст сифатли пахта миқдори кўпайди. Унинг таннархи эса қимматлашиб кетди. Механизациядан самарали фойдаланмаслик, ҳуда-беҳудага шаҳарлик ҳашарчиларни қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилавериш оқибатида ортиқча сарф-харажатлар 1975 йилдагидан уч баравар ошди. Пахта тозалаш заводларида ва қабул пунктларида алдамчилик, қўшиб ёзиш, порахўрлик, стандарт талабларини қўпол равишда бузиш, исрофгарчилик жиддий иллатга айланди. Шу туфайли бу тармоқ фақат кейинги уч ярим йилда 15 миллион сўм зарар кўрди. Ашаддий талон-торожга йўл қўйган, нопок йўлга кириб, товарсиз операцияларни амалга оширишда қатнашган шахсларнинг бир қисми устидан жиноий иш қўзғатилиб, 56 масъул ходим ўз вазифасидан олиб ташланди. Бундай нохуш аҳволнинг такрорланмаслиги учун қатъий конкрет чоралар кўриш вақти етди.

Хўш, юқорида тилга олинган жиддий камчилик ва нуқсонларнинг илдизи қаерда? Нима учун область халқ хўжалигидаги кўпгина тармоқлар ишида танглик юз берди? Нима сабабдан область партия комитети, унинг бюроси ёр қусурларни ўз вақтида пайқамади? Уларни бартараф этиш тадбирларини кўрмади? Пленум қатнашчилари вужудга келган ачинарли аҳволни чуқур таҳлил қилиб, унда область партия комитети экономикага, маданий қурилишга раҳбарлик услубида қўпол хатоларга йўл қўйганлигини эътироф этдилар. Бундай қўпол хатолар сўз ва иш бирлиги ўртасида бузилиш пайдо бўлганлигида, партия ҳаётининг ленинча нормалари ва принципларидан четга чиқишда яққол кўринди.

Маълумки, партия раҳбарлигининг даражаси аввало кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш, танқид ва ўз-ўзини танқидга кенг йўл очиш, ишда коллегиалликни таъминлаш, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан таъсирчан назорат ўрнатиш билан белгиланади. Бу партиявий нормаларнинг бирортасида бўшашувчанликка, масъулитсизликка йўл қўйилдими, пировард натижада ишнинг барча бўғинларига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Қоракўл район партия комитетининг биринчи секретари И. Барноев, Когон районидаги Ульянов номли совхоз директори Э. Саидов, Пешқу районидаги «Москва» совхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Эргашев ва бошқалар ўз сўзларида областдаги бир қатор партия ташкилотларида, кўпгина совет ва хўжалик органларида партия ҳаётининг ленинча нормаси ва принципларининг деярли барча бўғинлари бўшашиб кетганлиги ҳақидаги фактларни келтирдилар.

Масалан, область партия комитетига бир неча йил давомида раҳбарлик қилган А. Каримовни олайлик. У иш бошлаган дастлабки йилларда областда сув таъминотини яхшилаш, янги ерларни ўзлаштириш борасида муайян ишлар қилинди. Бора-бора А. Каримовда қўлга киритилган ютуқлардан эсиркираш, меҳнат коллективлари эришган муваффақият фақат менинг ишбилармонлигим ва тадбиркорлигим туфайли бўляпти, деган нотўғри тушунчалар билан мансираш, қўл остида хизмат қилувчиларни менсимаслик, такаббурлик сингари бадхулқ одатлар пайдо бўла бошлади. Ўзи катта-катта йиғинлар минбаридан туриб кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйишдек муҳим масалада одамларнинг сиёсий етуклиги, ишчанлик фазилатларига қараб баҳо бериш керак, деб баландпарвоз сўзларни қайта-қайта уқтирарди-ю, амалда эса бунинг тескарисини қиларди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида Бухоро областида кўпгина кадрлар А. Каримовга ошна-оғайнигарчилиги, юртдошлик белгиларига қараб кўтарилганлиги очиб ташланди. Улар орасида область прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, қурилиш ва сув хўжалиги бошлиқлари, район ижроия комитети раислари, колхоз ва совхоз раҳбарлари бор эди. Ачинарли томони шундаки, ҳатто район партия комитети секретарлигига ва область партия комитетининг бўлимлари мудирлигига ҳам ғоявий жиҳатдан қашшоқ, номуносиб кишилар танланди. Натижада бир қатор партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари атрофида хушомадгўй, қобилиятсиз, масъулиятни чуқур ҳис этмайдиган, нуқул ўз манфаатини ўйлайдиган нопок шахслар кўпайди. Оқибатда областда қўшиб ёзиш, порахўрлик, ўғирлик, давлат ва халқ мулкини ўзлаштириш, ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш фактлари юз берди. Ошна-оғайнигарчилик, кўзбўямачилик, партиявий назоратнинг сусайиб кетганлиги меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди. Область партия комитети, халқ депутатлари область Совети ижроия комитети, халқ контроли, ҳуқуқ ва тартиботни муҳофаза қилиш органлари бундай ариза ва шикоятларнинг кўпини эътиборсиз қолдирди.

Пленумда шунингдек Ғиждувон ва Бухоро районлари партия комитетларининг собиқ биринчи секретарлари С. Раҳимов ва Р. Акрамов, Бухоро шаҳар ижроия комитетининг собиқ раиси Б. Султоновларнинг иш услублари ҳам қаттиқ танқидга учради.

Пленумда коллективларга партиявий раҳбарлик қилишда изчиллик, принципиаллик етишмаслиги қандай салбий оқибатларга олиб келишига оид яна бир жонли мисол келтирилди. «Бухараирстрой» трести маъмурияти ва партия ташкилоти раҳбарларининг эътиборсизлиги ва партиявий назоратнинг бўшашиб кетганлигидан фойдаланган трестнинг Бухородаги кўчма механизациялашган колоннаси бошлиғи И. Хўжаев ўғлини ўзига ўринбосар, қизини бўлим мудири, икки келинини экономистлик лавозимларига тайинлади. Колоннадаги бошқа вазифаларга ҳам ўз қариндош-уруғларини қўйди. Бу ҳам етмагандек, ўзига ва болаларига атаб қўшақўша енгил машиналар, ер участкалари, квартиралар олди. Шаҳар партия комитети, унинг бюроси, шахсан биринчи секретари Ҳ. Жамолов эса бундай салбий ҳолларни кўрабила туриб, улар билан муросасизлик қилиб келдилар, принципсизлик кўрсатдилар. Раҳбар кадрларни танлаш ва тарбиялаш масалаларига совуққонлик билан қарадилар.

Пленумда жонли партия ишини қоғозбозлик, маҳҳамачилик, дабдабабозлик, қуруқ шовқин-сурон билан алмаштиришга уринган, коллегиалчилик ўрнига яккабошчилик, хўжалик ишларига бўлар-бўлмаста аралашавериш, буйруқбозлик, бюро йиғилишлари кун тартибига масалаларни қаторлаштириб ташлаш каби яроқсиз практика қаттиқ қораланди. Бунга Когон, Шофиркон, Вобкент районлари партия комитетлари, область маорифи бўлими, ҳунар-техника таълими бошқармаси, соғлиқни сақлаш ва алоқа ишлаб чиқариш бошқармалари раҳбарлари мисол қилиб келтирилди. Хусусан, Шофиркон район партия комитетининг бюроси ўтган йили 320 та масалани кўриб чиқди. Бу ойига салкам 30 таданга тўғри келади. Бундай аҳволда бюро аъзолари қачон масалаларнинг моҳиятига чуқур кириб борадилару, ўзлари қабул қилган қарорларнинг ижросини қачон текширадилар?!

Пленумда идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, янги урф-одатларни кенг жорий этиш, маънавий соф, меҳнатсевар, ташаббускор кадрларни камолга етказиш масалалари атрофлича қараб чиқилди. Улар ҳар бир соҳада, ҳар бир иш жойида партия, давлат ва меҳнат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлаймиз, барча куч ва имкониятларни беш йиллик план-топшириқлари сўзсиз бажарилишига сафарбар қиламиз, Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб оламиз, деб қатъий ишонч билдирдилар.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими М. Л. Ишков қатнашди.

Э. ХЎЖАЕВ,
Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Сўз—ғўза парвариши илғорларига

МЕҲРИМИЗ ГИЁСИ

● ҲОСИЛДОРЛИК ЎТГАН ЙИЛДАГИГА НИСБАТАН ОШИРИЛАДИ

● ДАВЛАТГА ПЛАНДАГИ 8677 ТОННА ЎРНИГА 9673 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ

● ҒЎЗА СЕРҲОСИЛ ҚИЛИБ ЎСТИРИЛЯПТИ

● КУЛЬТИВАЦИЯ ВА СУҒОРИШ БИР-БИРИГА БОҒЛАБ СИФАТЛИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

● МЎЛ ВА ЭРТАГИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИЛМОҚДА

СОВХОЗИМИЗ йирик пахтачилик хўжаликларидан бири. 2845 гектар майдонга чигит экилган. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи шарафига ҳосилдорликни ўтган йилдагидан ошириш, давлатга пландаги 8677 тонна ўрнига 9673 тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олганмиз. Деҳқонларимизнинг фикри зикри ана шу юксак довонни муваффақиятли эгаллаб, ваъдаларининг устидан чиқишга қаратилган.

Улар бу йўлда ҳозиргача муайян иш қилдилар. Аввало, баҳорда чигит қулай агротехника муддатида экилиб, бир текис ундириб олинди. Кўкламда ва ёзнинг биринчи ярмида ҳаво салқин келганлиги сабабли иссиқсевар ўсимлик бўлган ғўза суст ривожланди. Лекин деҳқонларимиз ана шу мураккаб шароитда тадбиркорлик кўрсатишди. Бой тажрибалари, юксак маҳоратлари, бутун куч-ғайратларини ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш ва уни тезроқ ҳосилга киритиш учун курашга сарфладилар. Тупроқни қиздириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, чигит униб чиқиб, ғўза қаторлари шаклланиши билан дарҳол культивация бошлаб юборилди. Кетма-кет культивация ўтказиш орқали тупроқнинг бағрини очиб унга ҳаво, қуёш нури ва иссиқлик киритиб қиздириш, эрта муддатларда минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш ғўзанинг ривожини тезлаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Шу кунгача ғўза қатор оралари олти марта сифатли культивация қилинди. Экин уч марта қондириб суғорилди. Ҳозир тўртинчи суғориш қизғин давом эттирилмоқда. Агар биринчи ва иккинчи суғориш олдидан ерга асосан минерал ўғитлар солинган бўлса, кейинги суғоришда чириган гўнг «шарбат» қилиб оқизиляпти. Далада 64 та культиватор ишлатиляпти. Ҳар бир агрегат билан кунига 6—7 гектар—жами бўлиб тўрт юз гектар атрофидаги майдонда культивация ўтказиляпти. Икки юз олтмиш сувчи группаларга бўлиниб ишлаяпти. Уларнинг ҳар бири кунига ўрта ҳисобда бир ярим гектар — жами бўлиб эса тўрт юз гектарга яқин майдонга сув тараяпти. Культивация билан суғоришнинг бундай мутаносиб бўлишининг аҳамияти катта. Бу соҳада Ўроғ Ғуломов, Азим Раимов каби моҳир механизаторлар, Ўрол Панжитов, Абдуали Абдуллаев, Расқул Юнусов, Ваҳоб Султонов, Равшан Зоиров ва Собир Салимов сингари уста сувчилар ўзларининг унумли ҳамда сифатли меҳнатлари, ишни бажариш маҳоратлари билан бошқаларга ибрат кўрсатишяпти.

Биз чигит экишни бешинчи апрелда бошлаб, ўн биринчи апрелда тугаллаган, уруғни йиғирманчи апреллгача тўла ундириб олган ва йиғирма биринчи апрелда биринчи культивацияни бошлаб юборган эдик. Ўшанда гектарига 150 килограммдан азотли ўғит ва 300 килограммдан аммофос солинганди. Иккинчи озиқлантиришда гектарига уч юз килограммдан азотли ва икки юз килограммдан калийли ўғит ҳамда етарли миқдорда чириган гўнг солинди. Ғўзани минерал ўғитлар, хусусан, азотли ўғит билан озиқлантириш, ҳар йилгидек, бу йил ҳам июнь ойида тугалланди. Ғўзани минерал ўғитлар билан озиқлантиришни барвақт бошлаш ва хусусан азотли ўғитларнинг йиллик нормасини ерга солишни июнь ойи охиригача тугаллаш, экиннинг қатор оралариги жадал культивация қилиш унинг ривожини тезлаштириб, эртароқ шоналаши, гуллаши ва кўсаклар ҳосил қилишини таъминлади. Ғўзаларимиз биринчи июнда шоналай, ўн бешинчи июнда гуллай бошлагани, ҳозир олди ғўзаларнинг ҳар тупида тўрт-бештадан бўлиқ кўсак ҳосил бўлганининг боиси ҳам шунда.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, биз одатда ғўзани яганалаш, чеканка қилишни ўз вақтида сифатли ўтказишга ҳам алоҳида эътибор берамиз. Уладдаги ортиқча ғўза туплари вақтида олиб ташланса, биринчидан, экинга берилган ўғит ва сувдан ўстириш учун қолдирилган ниҳоллар тўла баҳраманд бўлади. Иккинчидан, ғўза туплари яйраб ўсади ва нормал ривожланади. Чеканка вақтида ўтказилса, ғўза бўйи эмас, балки ҳосилга зўр беради, унда гул ва кўсаклар кўпроқ пайдо бўлади. Ҳозир ғўза жадал ва сифатли чеканка қилинмоқда.

Ҳозирги дамлар пахтакорлар ҳаётида энг масъулиятли давр ҳисобланади. Ҳосил асосан шу даврда тўпланади. Бинобарин, ғўзанинг сувга, парваришга, озуқа моддаларига бўлган талаби ошади. Буни ҳисобга олиб, механизаторлар культивацияни сифатли ўтказиб, қатор ораларидаги тупроқни оби-тобида майин қилиб юмшатмоқдалар, суғориш натижасида ҳосил бўлган намнинг кўтарилиб кетишига, тупроқнинг қотиб қолишига ва ёрилишига, сувчилар эса экиннинг чанқашига ёки керагидан ортиқча суғорилишига йўл қўймаслик учун ҳаракат қилмоқдалар. Улар ҳамкорликда ишлаётганликлари туфайли культивация билан суғориш ўртасида узилиш бўлмаяпти. Шу йўл билан шоналарни тезроқ гулга, гулларни эса кўсакка айлантириш, кўпроқ ҳосил тўплашга эришилмоқда.

Ҳадемай, ҳосил йиғим-терими бошланадиган вақт келади. Совхозимиз пахтакорлари ва механизаторлари ғўза парваришини давом эттириб, ҳосил тўплашга зўр берган ҳолда, уни тез ҳамда ноқуд қилмай йиғиб-териб олиб, халқ хўжалик планини ва зиммага қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажариш ҳақида ҳам ўйламоқдалар.

Биз пахтачиликда қўлланилаётган Тошкент технологияси теримни кенг миқёсда машиналаштиришни тақозо этади. Машина теримининг муваффақияти бир қатор тадбирларни мукаммал амалга оширишга боғлиқ. Даставвал, ҳосил мўл бўлиши ва эрта етилиши керак. Терим апрегатлари тўхтовсиз унумли ишлаши, машина билан терилган пахтанинг сифати юқори бўлиши, у ерга тўкилиб ифлосланмаслиги учун, айниқса, июль ва август ойларида культивация ҳамда суғоришнинг сифатига алоҳида аҳамият бериш даркор. Эгат ораларини сув ювиб, нотекислик ҳосил бўлмаслиги, ғўзанинг бўйи ҳамма ерда бир хил бўлиши, кўсаклар бир вақтда очилишига эришиш лозим. Пахтазорларда бегона ўтлар бўлмаслиги керак. Терим техникаси, транспорт воситалари вақтида сифатли ремонт қилинган, малакали механик-ҳайдовчи кадрлар етарли бўлиши зарур.

Совхозимизда ишнинг ана шу жиҳатлари ҳам диққат марказида турибди. Ғўзани культивация қилаётган, суғориш жўяклари олиб бераётган механизаторлар, уни суғораётган сувчиларнинг ишни устидан мунтазам назорат олиб борилмоқда. Мавжуд 70 та терим машинаси, транспорт тракторлари, тележкалар ва бошқа техника воситалари аллақачон ремонт қилиб қўйилган. Бегона ўтларга келганда шуни айтиш керакки, баҳорда чигит экиш билан бир вақтда ерга гербицид солинганги ва ёғингарчилик кам бўлгани учун пахта пайкалларида бегона ўтлар кам ўсди. Кейинги даврда, айниқса, ғўзани суғориш кучайтирилганидан кейин пайдо бўлган бегона ўтлар культивация ва ўтоқ қилиш йўли билан йўқотилмоқда. Бундан кейин ҳам бегона ўтларнинг ўсишига йўл қўймаймиз, пахтазорларда фақат ғўзанинг ёлғиз ўзи яшнаб ўсишини таъминлаймиз.

Ғўзамизнинг ҳозирги аҳволи ҳосил сентябрь ойининг бошида етилиши, кечи билан бешинчи сентябрда ҳар туп ғўзада икки-учтадан кўсак очилишидан далолат бермоқда. Демак, биз бешинчи сентябрда дефолиацияни бошлаймиз. Уни сифатли ўтказиб, ғўзанинг барги бир текис тўкилишига ва кўсакларнинг очилишини тезлаштиришга эришамиз. 20 сентябрда эса машина теримига киришамиз. Пахтани асосан машиналар билан терамиз. Барча ҳосилни узоғи билан бир ой ичида тўла йиғиштириб оламиз. Шунда пахтанинг сифати яхши бўлади, ундан кўпроқ тола чиқади.

У. ТУРҚОРАЕВА,
Пискент районидаги «КПСС XXVI съезди» совхозининг ишчиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

редакция почтасидан

АГРЕГАТЛАР ШАЙ

Ўрта Чирчиқ районидаги В. Терешкова номли колхозининг азамат деҳқонлари юбилей йилида 2900 тонна пахта, 3300 тонна канап пояси топшириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Айни кунларда далада-ги экинлар парваришқизғин олиб борилиб, шу билан бирга ҳосил йиғим-теримига ҳам пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Лубкорлар канап ўрнимини пахта терими бошланганга қадар тугаллашга аҳд қилдилар. Шу мақсадда канап ўримида ишлатиладиган барча агрегатлар шай қилиб қўйилди.

А. РИХСИБОЕВ.

СЕРКЎСАК ҒЎЗАЛАР

Шовот районидаги «Москва» колхозининг Раҳим Нуржонов бошлиқ бригадаси заршунослари Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг шонли 60 йиллик тўйи шарафига 76 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта етиштириш иштиёқида тер тўкяптилар. Ҳар туп ғўза алоҳида меҳр билан парваришланяпти. Деҳқон меҳрига қонган ғўзаларда ҳосил тугунчалари кун сайин кўпаймоқда.

Р. ОТАЖОНОВ.

* * *

Шундай хушхабарларни Наманган районидан И. Тошпўлатов, Сирдарё районидан Р. Холматов, Бухоро районидан М. Муханов, Ғиждувон районидан Л. Давронова, Чортоқ районидан А. Асроров, Олтинкўл районидан М. Абдуллаев, Избоскан районидан Б. Мавлонов сингари жамоатчи мухбирларимиз ҳам йўллашган.

дала ишлари **КУНДАЛИГИ**

МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

● Қува районидаги Димитров номли колхоз сувчилари ғўзаларни «шарбат»га қондиришяпти. Мўл ҳосил тўплаш имконини берадиган бу агротехник усул 900 гектар пахта майдонининг деярли ҳаммасида амалга оширилмоқда.

Димитровликлар тажрибаси диққатга сазовордир. Маҳаллий ўғитлар бирданига бир неча картани «шарбат» билан таъминлайдиган ўраларга солинмоқда. Бу ўзига хос марказлаштириш транспорт воситаларининг бир қисмини бўшатиш, тўйимли қоришма тайёрлаш учун меҳнат сарфини камайтириш имконини беради.

Суғориш ва бошқа агротехника тадбирлари моҳирлик билан ўтказилаётганлиги туфайли хўжалик далаларидаги ғўзалар яхши ривожланмоқда. Уларда ҳосил нишоналари бўлган кўсаклар кўпайиб, кун сайин салмоқдор бўляпти.

БЎЛИҚ КЎСАКЛАР

● СССР Давлат мукофоти лауреати Камол Халилов бригадаси далаларини кўздан кечирган Сирдарё областидаги «Правда» газетаси номли совхоз мутахассислари ғўза ривожидаги қолоқлик батамом тугатилган, деган хулосага келишди.

Бригада деҳқонлари бу муваффақиятга ғўза қатор ораларини яхши юмшатиш, суғоришни энг қулай муддатларда ўтказиш, бутун майдонга қўшимча органик ўғит солиш туфайли эришдилар.

Пудрат асосида ишлаётган бригада аъзоларининг деярли ҳаммаси турдош касбларни эгаллаб олишган. Механизатор Холбўта Раҳимов, сувчилар Абдураззоқ Раҳимов ва Эргаш Нуралиевлар зарур бўлган ҳолларда бир-бирларининг ўрнини босиб, бемалол ишлай оладилар.

Коллективнинг зарбдор меҳнати туфайли ҳар бир туп ғўзада 8—9 тадан бўлиқ кўсак бунёд этилди. Шу тариқа 45 центнерлик ҳосил учун мустаҳкам замин яратилди. Бу — ўтган йилдагидан 10 центнер кўпдир. Пахтакорлар қўриқ ерда мўл ҳосил етиштириш учун вахтани кеча-ю кундуз давом эттирмоқдалар.

Мусобақадошлар маслаҳати асосида

● Яқинда Жиззах район агросаноат бирлашмасининг ракси Ҳ. Муҳитдинов бошлиқ ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Янгийўл районининг қатор совхоз ва колхозларида бўлишди.

Мусобақадошлар беш йилликнинг тўртинчи йили учун илғор социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги билан танишдилар.

Жиззахликлар «Партия XXI съезди», Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозларда ҳосил тўплашнинг долзарб дамларида амалга оширилаётган ишлардан мамнун бўлишди. Эртаги ва сифатли ҳамда толаси пишиқ пахта олиш учун ҳар бир туп ғўза меҳр билан парвариш қилинаётгани мусобақадошларни айниқса хурсанд қилди.

Мусобақадошлар Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозининг Турдиали Жўраев бригадасида ғўза парвариши яхши ташкил этилганлигини қайд этдилар. Бу бригада аъзолари ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Ўсишдан орқада қолган 15 гектар майдондаги ғўза мусобақадошлар маслаҳати асосида намунали парвариш қилиняпти.

ЎзТАГ ва «Совет Ўзбекистони» мухбирлари.

«Совет Ўзбекистони»га жавоб берадилар

«Коммунизм» колхозида ёшларнинг физкультура ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратилмаган», — деб ёзади қоракўллик бир гуруҳ газетхонлар.

Ушбу хат юзасидан текшириш ўтказган ҚОРАКЎЛ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ редакциямизга қуйидаги мазмунда жавоб йўллаган.

— Хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланди. Колхоз маркази—Қувача қишлоғида спорт майдончаси ишга туширилди ва бу ерда футбол, волейбол мусобақаларини мунтазам ўтказиб туриш тадбирлари кўрилди.

* * *

«Интернационал» колхозининг 6-бригада бошлиғи Ш. Азизов ва ҳисобчи Д. Алласовлар хизмат вазифаларини суиистеъмол қилиб, ишламаган шахсларга ҳақ ёзиб ўзлаштирмоқдалар», — дейилади янгийўллик газетхонлар мактубида.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИдан олинган жавобда шундай дейилади: — Ушбу хатни район халқ контроли комитети текшириб чиқиб, ўз мажлисида кўриб чиқди. Хизмат вазифасини суиистеъмол қилганликлари учун бригадир Ш. Азизовга ва ҳисобчи Д. Алласовга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Моддий зарар етказганликлари учун Ш. Азизовга уч ойлик маоши ҳисобидан 600 сўм, Д. Алласовга эса икки ойлик маоши ҳисобидан 300 сўм миқдорида пул начёти ёзилди.

Колхоз правлениеси ва халқ контроли группасига қаттиқ назорат ўрнатиш топширилди.

Чет элларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

● ҚАРДОШ СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР МЕҲНАТКАШЛАРИ УЛКАН ЮТУҚЛАРИ

● «ОЛИМПИАДА—84» ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ. «АММО, У ҲАҚИҚИЙ СПОРТ БАЙРАМИ ЭМАС», ДЕМОҚДА ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ

● ЕР КУРРАСИНИНГ ТУРЛИ ҚИТЪАЛАРИДАГИ АЖОЙИБОТЛАР

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

● БУДАПЕШТ. Анъанавий Сегед саноат ярмаркасидаги совет павильони катта муваффақият қозонмоқда. Бу йил ярмаркада Сегед билан қардош тутинган Одесса шаҳрининг корхоналари ўзларининг кўпгина маҳсулотларини намойиш қилмоқдалар. Томошабинлар Одесса моллари қўйилган стендларда асосан анъанавий товар оборотида актив қатнашаётган завод ва фабрикаларнинг маҳсулотлари билан танишмоқдалар. Неча йиллардан бери Одессанинг марказий универмаги билан Сегед «Центрум» универсам магазини 200 минг сўмлик миқдорда мол алмашиб келмоқдалар.

● БРАТИСЛАВА. Словакияда июль, август — ёзги туризм даври ҳисобланади. Республика территориясида янги меҳмонхоналар, кемпинглар ва туристик базалар қурилаётганлиги туфайли туризм тобора ривож топмоқда. 1975 йилга нисбатан жонажон ўлка бўйлаб саёҳат қилувчи туристлар ҳозирги вақтда қарийб 30 процент кўпайди. Актив ҳордиқ чиқариш ихлосмандларининг жуда кўпчилиги маҳаллий туризм бюроси уюштирган қисқа муддатли сафарларга чиқмоқдалар. Чет эл туристик маршрутлари орасида Совет Иттифоқи бўйлаб қилинадиган сафарлар кўпчиликка айниқса манзур бўлмоқда.

● СОФИЯ. 2,7 миллиондан зиёд чет эллик ва болгариялик турист шу йилнинг олти ойи мобайнида Қора денгиз соҳилида ва Болгария шифохоналарида дам олди. Шу даврнинг ичида туристлар 1,3 миллион кишига етди. Уларнинг 19,1 проценти СССРдан, 17,7 проценти ПХРдан ва 16,4 проценти ЧССРдан келди. Қора денгиз бўйидаги бу йил ўзининг 25-мавсумини очган «Куйшли соҳил» курорти меҳмонларга, айниқса манзур бўлмоқда. Чорак аср мобайнида бу ерда 25 минг ўринли 113 та меҳмонхона, 100 минг ўринли курорт посёлкаси ва 7 та кемпинг қурилди.

● ХАНОЙ. Вьетнамнинг энг жанубий вилояти — Миньхай ирригаторлари денгиз соҳилидаги 445 минг гектардан кўпроқ ерни ўзлаштирдилар. Бу ерда авж олдириб юборилган ўрта ва майда ирригация иншоотлари — каналлар, дамбалар ва тўғонлар комплекс равишда қурилаётганлиги туфайли шўр сувнинг шолипояларга кириш йўлини бекитиб қўйишга ва чучук сувнинг энг мақбул даражасини белгилашга муваффақ бўлинди. Бу эса шолипояларни кенгайтириш имконини берди, йилига бир неча марта шоли ҳосили олиш учун шароит яратди. Миньхай тажрибаси республиканинг кўпгина вилоятларида кенг оммалаштирилди.

(ТАСС).

Шаҳар манзараси чиройли, аммо...

Лос-Анжелес — Америка Қўшма Штатларининг учинчи йирик шаҳридир. Унинг кўп қаватли бинолари, кўчалари дастлаб бу ерга келувчиларда катта қизиқиш уйғотиши турган гап. Электроника асбоб-жиҳозларидан тортиб то ракеталаргача бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар ҳам шу ерда жойлашган. Меҳмонхона ва магазинларда кеча-кундуз турли буюмлар сотилади. Айрим галстукларнинг нархи, ҳаттоки, юз долларгача етади.

Ҳақиқатан шаҳар манзараси чиройли. Аммо, шаҳар билан яқиндан танишилса, бу ерда ишсизлар ва уйсиз кишилар оч-наҳор яшаётганлигини учратиш мумкин. Йирик капитал эгалари истиқомат қилаётган жойлардан нарида негрларнинг кўримсиз, пасткам уй-жой кварталлари учрайди.

Суратларда: Лос-Анжелеснинг осмонўпар бинолари. (юқорида). Лос-Анжелеси америкаликлар оддий қилиб, «юраксиз шаҳар» дейишади. Пастдаги суратда «юраксиз шаҳарнинг уй-жойсиз кишиси тасвирланган.

АДН—ТАСС фотолари.



Фотофакт

ОЛИМПИАДА ЭМАС, БАЛКИ САВДОГАРЛИК

ЛОС-АНЖЕЛЕС. (**ТАСС махсус мухбирлари**). Бу ерда XXIII Олимпиада ўйинлари очилди. Ўйиннинг очилиш маросими очиқдан-очиқ сиёсий томошадан иборат бўлиб, унинг ташкилотчилари манфур «америкача турмуш тарзи»ни зўр бериб ташвиқот қилдилар. Голливуд киностудияларининг энг ёмон анъаналари руҳида тайёрланган бу томошада ҳамма нарса бор эди: ковбойлар, фургонлар ва ялангоч қизлар кўпдан-кўп Америка байроқлари билан намойиш этилди. Спорт ва халқлар ўртасида дўстлик байрами сифатида Олимпиада ўйинлари ғоясини акс эттириш учунгина ўрин топилмади.

«Ҳайбаракаллачи ватанпарварлик» руҳида тарбияланган томошабинлар НАТО блокига аъзо мамлакатларнинг спорт делегацияларини худди дирижёр ишорасига қарагандек гулдурос шовқинсурон билан табриклаган бўлсалар «Коллизеум» стадиони майдонига бошқа мамлакатларнинг спортчилари чиққанида намойишкорона жим турдилар.

Советларга қарши ҳозирги кампанияга президент Рейганнинг ўзи ташаббускорлик қилмоқда. Олимпиада очиладиган кун радио орқали ва Америка командасининг аъзолари олдида сўзлаган нутқларида ғўё ҳозир бутун мамлакатни қоплаган «янги руҳ» борлигини ҳарчанд таъкидлади. Қўшма Штатлар бўйлаб янги ватанпарварлик тўлқини уфурмоқда, деб эълон этди у.

Аслида Оқ уй Олимпиада-84 ни сайлов кампаниясининг таркибий бир қисмига айлантирди. Сайлов арафасида АҚШда маъмурларга қўл келадиган ашаддий ўнг шовинистик кайфиятни вужудга келтириш учун ўйинлардан ҳаёсизларча фойдаланилмоқда. Бу нарса Олимпиадага борган турли мамлакатлар мухбирларининг ёзишича, спортчиларнинг хавфсизлигига хавф-хатар тўғридан-тўғри кучайишига кўмак берди.

Лос-Анжелес Олимпиада комитети ташкилотининг президенти Питер Юберрот Оқ уй хўжайинига жўр овоз бўлиб, Олимпиадани ташкил этиш АҚШда миллатчилик кайфиятлари кучайишига ёрдам берди, деб эътироф этди. У «Коллизеум» стадионида гапириб, «қаршингизда дунёнинг энг яхши атлетлари турибди», деди-ю, Америка маъмурлари Олимпиада хартиясини қўпол равишда бузганлиги сабабли дунёнинг етакчи спорт давлатлари Олимпиадада қатнаша олмаганлиги тўғрисида жўрттага индамади. Бунинг натижасида ҳозирги ўйинларнинг спорт даражаси ғоятда пасайди. Статистика маълумотлари буни яққол кўрсатиб турибди. Олимпиада программасига кирган спорт турларини оладиган бўлсак, улардаги жаҳон чемпионларининг ярмидан кўпи социалистик мамлакатларнинг атлетларидир. Масалан, Лос-Анжелесдаги енгил атлетика ўйинларида жаҳон чемпионати голиблари ва совриндорларининг 51 проценти, гимнастикадан 53 проценти, боксдан 50 проценти, курашдан 72 проценти, замонавий беш курашдан 83 проценти бўлмайди, оғир атлетикадан эса бултурги жаҳон чемпионатининг биронта ҳам совриндори қатнашмайди.

Олимпиада мусобақаларига ҳанузгача 500 минг билет сотилмаганлигининг, ҳар куни Лос-Анжелес аэропортига келаётган меҳмонлар сони ҳозир бир йил аввалгига нисбатан анча камлигининг бош сабаби мана шунда, дейди Эн-би-си кампанияси телевизион янгиликларини олиб борувчи диктор.

М. БЕГЛОВ,
Ю. УСТИМЕНКО.

РАНГ-БАРАНГ ● ОЛАМ ●

ДЕҲҚОН ЁРДАМЧИСИ

ШАМОЛ ТЕГИРМОНЛАРИ КЕРАКМИ!

● Расмий маълумотларга кўра, Голландия мамлакатида 1.078 та шамол тегирмони мавжуд. Уларнинг кўпчилиги ремонтдан чиқарилиши лозим. Тегирмонларнинг 150 таси учун таъмирлаш планлари ишлаб чиқилган, Бор-йўғи 15 таси ремонт қилинаётқр.

Едгорликларни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари таъмирлаш ишлари фақатгина тегирмонларнинг ташқи тарафидагина олиб борилаётганлигидан афсусланмоқдалар. Тегирмонларнинг ҳаракатга келтирувчи қисмларига умуман қўл урилмаяпти.

Голландиянинг қишлоқ хўжалиги табиатини, унинг ғўзаплигини шамол тегирмонларисиз тасаввур қилиш қийин, албатта. Шу боисдан ҳам жамоатчилик деҳқон ёрдамчиси — шамол тегирмонлари тезда ўз аслига қайтарилиш керак, деган фикрни билдирмоқда.

ФАКТНИНГ ЎЗИ

ТИЛНИНГ ЯГОНА ЭГАСИ

● Оуб ихх тилини биласизми! Бу тил жаҳонда энг кам учрайдиган тиллардан биридир, деб тахмин қилинаётқр. Чунки, ҳозирги кунда ягона киши бу тилни биладн. У 82 ёшли турк деҳқони Тофиқ Есенцдир.

Туркия территориясида яшовчи алоҳида бир қабила ана шу тилда гаплашган. Бир ярим аср муқаддам оуб ихх тилида гаплашувчи кишиларнинг сони 50 минг бўлган. Бугунги кунга келиб эса фақатгина бир деҳқон бу ажойиб тилни ўзлаштириб қолган. Қизиғи шундаки, бу тилда ўнта унли товуш, 82 та ундош товуш бор.

ГДРда чиқадиган «Вохенпост» ҳафталик газетасининг хабарига кўра, айни пайтда Франция фанлар академиясининг мутахассислари Тофиқ Есенц билан ҳамкорликда ишлаб тил грамматикасини ўрганмоқдалар. Мутахассисларни, айниқса, тилнинг луғат бойлиги, сўзларининг талаффузи қизиқтираётир.

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ

ЖОНИВОРЛАРНИ ЎҒИРЛАБ

● Даллас шаҳри (АҚШ)нинг аэродроми ходимлари юк самолётларидан бирини кўздан кечираётиб, қулоқ эшитмаган, кўз кўрмаган воқеага дуч келдилар. Сиялар билан ўраб ташланган 13 яшикдан 2 мингдан кўп ўргимчак, қурт-қумурсқа ва бошқа ҳашаротлар топилди. Улар орасида кам учрайдиган қурбақа ва илон, тошбақа, чаён ва бошқа жонивор-лар борлиги кишини таажжублантиради.

Маълум бўлишича, бу юк Ғарбий Европалик олиб-сотарлар учун мўлжалланган бўлиб, қароқчилар томонидан Мексикадан олиб чиқиб кетилган.

ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК

Ватанимиз пойтахти Москвада шу йил 4—14 август кунлари геологларнинг XXVII халқаро конгресси ўтказилади. Бу анжуман планетамиздаги барча геологлар ҳаётида, Ер тўғрисидаги илм соҳасида иш олиб бораётган олимлар ҳисобланади. Унда жаҳондаги яқин вакил қатнашади. Шу кунларда конгресс қатнашчиларидан катта бир группаси Тошкентда меҳмон бўлиб турибди.

Халқаро геология конгресси 1878 йилдан бери ўтказиб келинади. Конгресс сессияларидан бири 1937 йилда Москвада ўтказилган. Бу галги анжуманда юздан ортиқ йирик илмий проблема муҳокама этилади. Улар орасида геология, геохимия, тектоника, минералогия, стратиграфия, петрография, ер ости конларининг шакланишига оид муаммолар, геологик объектларни ўрганишнинг математик методлари ва бошқа муҳим масалалар бор. Айни чоғда 45 секциялараро симпозиум ва олти коллоквиумда Совет Иттифоқи, Арктика, океанлар геологияси, энергетика хом ашёси ресурслари проблемаларини муҳокама этиш режалаштирилган.

Конгресс сессияси кунларида геология асбоб-ускуналари, геофизика прибор ва анжомлари кўргазмаси — «Геоэкспо-84» ҳамда геологик карта ва китоблар намойиш этиладиган «Геокарта-84» кўргазмаси очилади. Бутуниттифоқ халқ хўжалик ютуқлари виставкасида эса Ватанимиз геологлари ютуқларини акс эттирувчи «Совет Иттифоқи геологияси» кўргазмаси ишлаб туради.

XXVII халқаро конгресс сессияси иш программасига мувофиқ мамлакатимизнинг муҳим регионлари бўйича 60 га яқин илмий-геологик экскурсиялар ўтказиш мўлжалланган. Ўзбекистондан шу йўсин беш маршрут ўтади. Дала экскурсиялари вақтида геологик объектлар билан танишиш асосида жойларда фикр алмашув ва мунозаралар ўтказилади. Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон геология ҳамда нефть ва газ конларини разведка қилиш институтида қабул қилинади, илмий ва амалий фаолият билан таништирилади, илмий-оммабоп ва геологик фильмлар кўрсатилади. Чет эллик меҳмонлар ва учрашув ташкилотчилари Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳарларида бўладилар. Геологик объектлар билан бир қаторда меҳмонларга ўзбек халқининг тарихий обидалари билан танишиш имконияти яратилади.

А. СИТНИКОВА,
геология-минералогия фанлари кандидати.

ФАКТ ВА ШАРҲ

ТОҒ БАҒРИДА ОРОМГОҲ

● Ҳисор тизма тоғларининг ён бағрида, денгиз сатҳидан 1750 метр баландликдаги Хондиза дам олиш уйи очилди.

Бу ерга республикамиз ва Иттифоқимизнинг бошқа ерларидан ҳам дам олувчилар келишган. Хондиза ўзининг гўзал манзаралари билан ажралиб туради. Унинг территорияси жуда катта, корпуслар мевали дарахтлар орасида жойлашган. Каттагина бассейн қурилган. Пастрокда Хондиза дарёси оқиб ўтади. Ҳавоси салқин, ҳатто кечқурун иссиқроқ кийиниш тўғри келади.

Бир мавсумда гўрт мингдан ошиқ, бирданига эса 330 киши ҳордиқ чиқариши мумкин. Бу ерда хизмат қилаётган ходим ва ишчилар ширин сўз. Дам олувчилар учун барча шароит яратилган.

О. ЗОКИРОВА, Т. ТОШПЎЛАТОВ.
Сурхондарё области.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

О. Дўсчонов қуролдош дўстлари билан Сталинград остоналарида душманга қарши жанг қилди, Украина, Прага, Варшава шаҳарларини озод қилишда қатнашди. Берлин остоналаридаги жанг унинг хотирасида бир умрга муҳрланиб қолди. У «Қизил Юлдуз» ордени, «Сталинград мудофааси учун» ҳамда бошқа жанговар медаллар билан мукофотланди.

Жангчи Оллоберган Дўсчонов бугунги кунда Урганч шаҳар поликлиникасида хизмат қилади. Жангчи-шифокорнинг кўксини жанговар орденлари қатори «Соғлиқни сақлаш аълочиси», «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвонларининг нишонлари безаб турибди. Суратда: О. Дўсчонов қуролдош дўсти, физика-математика фанлари кандидати З. Исмоилов (ўнгда) билан учрашув пайти.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

ЖАНГЧИ—ШИФОКОР

Улуғ Ватан уруши бошланганда Эргаш Азимов Ғарбий Украинада армия сафида хизматда эди. 184-ўқчи дивизия 1941 йил 26 июнда Львов областининг Бродский остоналарида жангга кирди.

Курск ёйидаги жангда мардлик ва матонат кўрсатганлиги ҳамда юзлаб ярадорларга биринчи ёрдам кўрсатиб, уларни жанг майдонидан олиб чиққанлиги учун санинструктор Э. Азимов «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланди.

1943 йил 12 декабрида Духовшина шаҳрини штурм қилишда ва уни ишғол қилишдаги жасорати учун II даражали «Ватан уруши» ордени берилди.

Ўнлаб собиқ жангчилар ҳар байрам Эргаш акага табриконма йўллайдилар.

Медицина старший лейтенанти даражасига кўтарилган Э. Азимов 1946 йилда истеъфога чиқди. Шифокорлик касбини давом эттирди. Ҳозир ҳам Тошкентдаги руҳий касалликлар шифохонасида ҳормай меҳнат қилмоқда.

У. РАҲМОНОВ,

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ШАХМАТ ОЛАМИДА

Ҳам аёллар, ҳам эркаклар ўртасида деярли бир вақтда бошланган тож талабгорлари финал матчлари роппароса бир ой ичида ва деярли бир вақтнинг ўзида ниҳоясига етди. Энди шахмат аҳлини бир-бирига ўхшаш икки савол қизиқтира бошлагани аниқ.

ЧИБУРДАНИДЗЕМИ, ЛЕВИТИНА?

Сочидаги матчнинг дастлабки уч партиясидан сўнг ҳисоб Левитина фойдасига 2,5:0,5 бўлиб қолгач, кўпчиликнинг эсига баҳс бошланиши олдидан унинг иштирокчилари бир-бирлари ҳақида билдирган фикрлар тушди.

— Семёнова кучли шахматчи, — деган эди Левитина. — Финал матч менинг учун чорак финалда Нона Гаприндашвили билан, ярим финалда эса Нана Александрия билан бўлганидек қийин кўчади, деб ўйлайман. Бундай юксак даражадаги баҳсда осонликча ғалаба қозониб бўлмайди.

Дурангларни оралатиб, Семёнова олтинчи учрашувда биринчи, саккизинчисида эса иккинчи зарбани берди ва ҳисобни тенглаштириб олди — 4:4.

Ҳисоб 2,5:05 лигида: энди масала аён, Семёнова чемоданини тайёрлайверса ҳам бўлаверади, деб ўйлаганлар, саккизинчи учрашувдан сўнг Левитина айтган юқоридаги гапларни эслаб қолдилар.

Хўш, ўшанда Л. Семёнова нима деган эди?

— Левитина истеъдодли шахматчи. Лекин табиатан у максималист: ҳамиша энг яхши юришни ахтаради. Бу эса, маълумки, цейтнотга, яъни вақт тигизлигига олиб келади.

Тўққизинчи ўйинда афзалликка эришса-да ютолмаган Семёнова ўнинчисини бой бериб қўйди. Шунда ҳам у ўзини йўқотмади. Навбатдаги учрашувда хиёл устунликка эришди-ю, аммо яна ниятига етолмади. Охирги тур олдидан ҳисоб Левитина фойдасига 6:5 бўлиб, умумий ғалаба учун ярим очко керак эди. Бинобарин, охирги учрашувдаги дуранг Семёнова учун мағлубият билан баробар экан, у фақат ғалабани кўзлаб дона суриши керак. Бундай вазиятда таваккалсиз иш битмайди, албатта. Қилинган ҳаракат кўзланган натижани бермади. Матч 7:5 ҳисобида унвонлари жарангдорроқ тажрибали шахматчи Ирина Левитинанинг ғалабаси билан якунланди.

Матч олдидан Л. Семёнова: «...Ютиб чиқсам-ку масала равшан, ютқазиб қўйсам-чи? Унда ҳам фожиа рўй бермайди. ...Мен тож талабгори бўлганим учун шахмат ўйнамайман. Балки, аксинча. Кейин ҳам ўйнайвераман», деган эди. Чинакам, шахмат шайдосининг гапи ана шунақа бўлади!

И. Левитина қаршисида энди Майя Чибурданидзе. 16 йил «малика»лик лавозимида ўтирган, беш карра жаҳон чемпиони Нона Гаприндашвилидан «тожни тортиб олганда тбилисилик Майя Чибурданидзе атиги 17 ёшда эди. Орадан уч йил ўтгач у 1981 йили жаҳон вице-чемпиони, яна бир ҳамшаҳри Нана Александрия билан учрашиб, ўз унвонини сақлаб қолди... Яқиндагина эса Ҳиндистон пойтахти — Деҳлида ўтказилган халқаро турнирда қатнашган ягона аёл шахматчи Майя Чибурданидзе қолган 11 та эркак гроссмейстер-у мастерларни доғда қолдириб, биринчи соврин эгаси бўлди.

Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди уни шахсан табриклаб, эсдалик совға топширди. Шундай шахматчи билан яккама-якка куч синашиш Ирина Левитина учун қандай бўларкин? Йўқ. Ирина ҳам анойи шахматчилардан эмас. Ахир, у яқинда эркаклар ўртасидаги турнирларда ҳам ном чиқарган Нона-ю Нанани енгиб финалга чиқди ва ниҳоят, бунда ҳам ғолиб келиб, чемпионга рўпара бўлиш ҳуқуқини олдику! Хуллас, Чибурданидзе — Левитина баҳси зўр бўлиши аниқ.

КАРПОВМИ, КАСПАРОВ?

Ўттизинчи йилларда жаҳон чемпионлигига асосий талабгорлардан бири бўлган гроссмейстер Сало Флор (1908—1983) зукко журналист ҳам эди.

— Шубҳасиз, яқин келажакда улар тез-тез учрашадиган бўлиб қоладилар, — деган эди 1981 йилда С. Флор. — Кўпчилик, эртами-кеч Карпов билан Каспаров ўртасидаги энг юксак даражада яккама-якка олишув-баҳс бўлади деб ўйламоқда.

Қаранг, орадан атиги уч йил ўтар-ўтмас «улоқ» Гарри Каспаровнинг қўлида турибди! Энди охирги тўсиқ — финал матч тафсилотларидан пичагина келтирсак.

Дастлабки қўш дурангдан сўнгги навбатдаги икки ўйин Каспаровнинг фойдасига ҳал бўлгач, ҳисобда 21 ёшли бокулик гроссмейстер нақ икки очко ўзиб кетди — 3:1. Бундай ҳол унча-мунча шахматчини бутунлай издан чиқариб юбориши мумкин эди. Аммо 63 ёшдалигига қарамай жаҳон экс-чемпиони В. Смислов ҳали ҳам тетик, руҳан бақувват эканлигини кўрсатди. Икки кунлик танаффус — биринчи тайм-аутдан сўнгги бешинчи партияда бамисоли ҳеч нарса бўлмагандек бамайлихотир курашга кирди. Қора доналар билан у ботвинникча ўйин системасини танлаб, тахтада ажиб кескинликлар яратди. Ҳушёр тортган Каспаров яхши йўл топишга кириши. Ўйин охирларида икки пиёдасиз қолишига қарамай, Смислов ютқазмасликнинг ягона усулини топди. Зал қарсаклардан ларзага келди. Ветеран учун бу ғалабага тенг дуранг эди. Кейин яна уч ўйинда ҳам шундай натижа қайд қилинди. Матчнинг биринчи ярми 5:3 ҳисобида Каспаров фойдасига ҳал бўлди.

Тўққизинчи партиянинг 9-юришида Смислов янгилик қўллади, лекин рақибини ғафлатда қолдира олмади. Каспаров чеккадаги пиёдани суриб, кейин фарзинни вақтинча қурбон қилиб, қоралар топган «янгилик»ни чиппакка чиқарди ва орадаги фарқни яна бир очкога оширди — 6:3. Яна иккита дуранг ва охирги зарба: қарабсизки, ҳисоб бокулик ёш гроссмейстер фойдасига 8:4 бўлиб турибди-да.

Қолган тўрт ўйиндан тўрт очко олишга ҳаракат қилиш фойдасизлигини тан олган В. Смислов навбатдаги 13-партияда номигагина бир неча юриш қилиб, дурангга рози бўлди ва рақибини биринчилар қатори ғалаба билан табриклади.

Гарри Каспаровнинг ғалабаси ишонарли ҳамда кўпчилик кутганича бўлди: 4 ўйинни ютди ва битта ҳам бой бермай, 9 тасини ажойиб йўллар билан дуранг қилди. 18 ёшида катта йўлга чиқиб олган Г. Каспаров ҳамон илдамлашда давом этмоқда, унинг қоидали «юриш»ларига «яшил чироқ»лар ҳамдам бўлмоқда.

Вильнюсдаги матч олдидан билдирилган бообрў фикр-мулоҳазалардан:

Василий Смислов: — Шахмат йўлининг барча босқичларидан ўтган ёш улуғ бир ўрток сифатида навқирон ва ўта истеъдодли шахматчи Гарри Каспаров билан учрашишдан хурсандман.

Жаҳон экс-чемпиони Михаил Таль: — Айтайлик, Смислов—Каспаров матчи тугади ва... ютиб чиқди. Аниқ кимлигини айтмайман. Агар Каспаров — Смислов матчида тахминий ғолибни айта олсам-да, Карпов —Каспаров матчида нима бўлишини каромат қилмас эдим.

Каспаров — Смислов матчи олдидан «Социалистическая индустрия» газетаси мухбири В. Засеевнинг:

— ...Жаҳон чемпиони унвони учун кўпроқ ким билан матч ўйнашни истардингиз: Каспаров биланми ёки Смислов билан! — деган саволига Карпов ажабланиб, шундай жавоб қилган эди:

— ...Финал матчнинг чинакам муносиб ғолиби билан учрашишга тайёрман. Айни вақтда шахмат тожининг бўлажак эгаси ким бўлишини ҳам айтиб бера оламан. У ...совет гроссмейстеридир. Бироқ, айрим газетхонларда, Карпов жангсиз «таслим бўлиш»га тайёр экан-да, дегандек нотўғри тасаввур пайдо бўлмаслиги учун очиқчасига айта оламанки, бўлажак харифимга иложи борича қийин масалалар беришга ҳаракат қиламан, уларга жавоб топиш учун у ўз шахмат билимининг барча қирраларини ишга солишга мажбур бўлади.

Вильнюсдаги матч тугаши билан қилинган суҳбатларнинг бирида унинг ғолибига шундай савол берилди:

— Яна беш ойдан сўнг сиз жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан матч ўйнашингиз керак. Унинг ўйини ҳақида қандай фикрдасиз, сизнингча матч қанчага чўзилади!

— Мана тўққиз йилдирки Карпов жаҳон чемпиони. Шунинг ўзиёқ катта гап. Ҳар бир жаҳон чемпиони — шахматда бир давр... Лекин бўлажак матчдаги ўз имкониятларимни пастроқ, деб ҳисобламайман. Матч қанчагача чўзилишини аниқ айтишим қийин: Карпов ҳам, мен ҳам жуда кам ютқазадиган шахматчилармиз. Ўйлашимча, матчда тахминан 28 тача партия ўйналаси керак.

Фикр-мулоҳазаларнинг маҳзини чақиш газетхонларнинг ўзига ҳавола.

Шу йил 10 сентябрда бошланадиган Карпов — Каспаров баҳси чинакамига «Аср матчи» бўлади.

М. МУҲИДДИНОВ,
СССР спорт мастери, тарих фанлари кандидати.

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

● ВЕЛОПОЙГА. Москва велотрекида ўтказилган мамлакат чемпионатида тошкентлик Александр Панфилов муваффақиятли куч синашди. У минг метрга ўтказилган пойгада бронза медалини қўлга киритган эди. Кейин 200 метрга спринт пойгада маррага иккинчи бўлиб келиб, кумуш медаль совриндори бўлди.

● МЕРГАНЛИК. Ватанимиз пойтахтида ўтказилган СССР чемпионатида динамочилар терма командаси ҳамдақ стендига отиш бўйича Бутуниттифоқ рекордини янгилади. Мерганлар олти юз имконият-дан 590 очко жамғариб, юқори натижа кўрсатишди. Бу муваффақиятга муносиб ҳисса қўшган тошкентлик Р. Ямбулатов билан унинг ҳамшаҳри Р. Муҳаммадиёровлар ҳам чемпион бўлишди.

● ФУТБОЛ. Олий лига командалари ўртасида ўтказилган 20-тур учрашувлари қуйидагича якунланди: «Қайрат»—«Металлист» — 1:0, ЦСКА — «Шахтёр» — 1:0, «Динамо» (Тб) — «Зенит» — 2:3, «Арарат» — «Жальгирис» — 2:0, «Нефтчи» — «Динамо» (Мн)— 0:1, «Динамо» (К) — «Пахтакор» — 2:0, «Торпедо» — «Днепр» — 1:1, «Черноморец» — «Динамо» (М) — 1:1. Ҳозир «Зенит» ва «Днепр» командалари 26 тадан очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Спартакчилар 25 очко билан учинчи ўринни эгаллаб туришибди.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

АЭРОПОРТДАГИ ҲАНГОМАЛАР

Термиздаги аэропорт биноси шаҳар кўркига-кўрк қўшади. Унда алоқа бўлими, кутиш заллари, ошхона ва бошқа маданий-маиший тоҳкалар мавжуд. Лекин шундай кўркам муҳташам бинода йўловчилар дилини ранжитадиган воқеалар тез-тез содир бўлиб туради.

Шу йилнинг 15 июль куни. Аэропорт биносида одам гавжум. Ҳаво дим. Ҳамма вақтни тежаб, тезроқ манзилга етгиси келади. Энг қизиғи шундаки, худди мана шу пайтда Термиз шаҳар аэропорт агентлиги жуда кам билет сотади.

Мана ўша куни йўловчи С. Алмардонов 154-рейс билан учиши керак эди. Ҳолбуки, уни «Сен кечикиб келдинг деган туҳмат билан бир кун овора қилишди. У ўз билетини қайд қилдира олмагач, нима қилишни билмади. Кимдир навбатчи Лев Сергеевичга учрашинг деди. У С. Алмардоновнинг гапига қулоқ ҳам солмади. Лев Сергеевич Алмардоновнинг қўлидан билетини юлқиб олиб билетининг орқасига «кечикиб келди» деб ёзиб қўйди.

Мен 156-рейс билан учишим керак эди. Мени ҳам бошқа рейсда учасан деб туриб олишди. Ажабо, бундай тартибсизликлар бу ерда қачон тугатилар экан?

Н. НОРМАТОВ.

ХРОНИКА

Ўртоқ Н. Бўрихўжаев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Прокурори вазифасидан озод қилинди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

ЮБИЛЕЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

Республикада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60-йиллигига бағишлаб ЮБИЛЕЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ ЧИҚАРИЛДИ

Омонат кассаларида лотерея билетлари сотила бошлади.

Билетларнинг баҳоси — 50 тийин.

Ютуқлар орасида — «Волга ГАЗ—24», «Жигули—2107», «Жигули — 21013», «Москвич — 412», «Запорожец—968» автомобилларни, аравачали мотоцикллар, магниторадиолалар, магнитофонлар, тикув машиналари ва бошқа қимматбаҳо буюмлар, шунингдек 100 сўмдан 500 сўмгача миқдордаги пул ютуқлари бор.

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ 18—19 ОКТЯБРДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БОШ БОШҚАРМАСИ.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
1984—85 ўқув йили учун
КЕЧКИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тўлиқ ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафларидан запасга бўшатилганлар саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари, колхозлар, совхозлар ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг йўлланмаси бўйича қабул қилинадилар.

Кундузги умумий таълим мактабларини битиргандан мактабни битиргандан сўнг камида бир йиллик узлуксиз иш стажи бўлгандагина қабул қилинадилар. Даволаш ва санитария-профилактика, дорихона, суд-медицина экспертизаси муассасаларининг йўлланмасига кўра фақат беморларни парвариш қилувчи кичик медицина ҳамширалари ҳамда санитаркаларгина камида 2 йиллик стажи (сўнгги бир йил узлуксиз бўлиши шарт) бўлган ҳоллларда ўқишга қабул қилинадилар. Шунингдек бир йиллик узлуксиз иш стажига эга бўлган беморларга қараб турувчи кичик медицина ходимлари, санитаркалар ўқиш давомида йўлланма берган муассасада ишлашни давом эттиришлари шарти билан ўқишга қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимига йўлланма билан юборилганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: ректор номига ариза, кечки тайёрлов бўлимига йўлланма, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат, характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, меҳнат дафтарчаси ва унинг корхона раҳбари томонидан тасдиқланган нусхаси.

Ҳарбий билет ёки рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва паспорт шахсан кўрсатилади.

Кечки тайёрлов бўлимига аризалар 10 сентябргача қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Кечки тайёрлов бўлимига аризалар 20 августдан 15 сентябргача қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 10 ОЙ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Медиклар шаҳарчаси, 10-корпус (10, 28, 82, 34, 100-автобуслар; 15-трамвайнинг охирги бекатлари).

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1984 йил
1 АВГУСТДАН БОШЛАБ
чет эл, марказий, республика, область, шаҳар, район газета ва журналларига
1985 ЙИЛ УЧУН
ОБУНА БОШЛАНАДИ

Корхоналар ва муассасалардан обуна 1984 йил 31 августгача қабул қилинади.

Обуна барча «СОЮЗПЕЧАТЬ» агентликларида, алоқа бўлимларида ва иш жойларида, шунингдек жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг матбуот тарқатиш бошқармаси.

Чет эллардаги ватандошлар билан маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон «Ватан» жамияти ва «Ойдин» газетаси редакцияси коллективлари жамият Президиумининг аъзоси, «Ойдин» газетасининг бош редактори М. Ҳакимовга отаси

Ҳамид ҲАКИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўрта Осиё медицина педиатрия институти коллективи биоорганик ва биофизик химия кафедраси катта ўқитувчиси Д. Қ. Дўрмоновга онаси

Қизларжон ДУРМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

31 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Орзу елкани. 10.10 — Майдондаги беш учрашув. 11.05 — ТАСС вакил қилинган. Бадиий фильм. 1-серия. 12.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — А. Грин ҳаёти ва китоблари. 16.55 — Чавандозлар. Болалар учун фильм. 1-серия. 18.00 — Концерт. 18.30 — Биз БАМни қуряпмиз. 19.00 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ёзувчи ва ҳаёт. 20.20 — ТАСС вакил қилинган... Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05— Телевикторина. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.25 — Концерт.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Фонтан ёнида учрашамиз. Бадиий фильм. 10.35 — Киножурнал. 11.25 — Горничилар, қаердасиз! 11.55 — Мультфильмлар. 12.55 — Билимимиз — қудратимиз. 13.40 — Болалар учун фильм. 14.45 — Ҳужжатли фильмлар. 15.20 — Шахмат мактаби. 15.50 — Концерт. 16.15 — Истеъдод. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Сиз яратган бог. 19.15 — 16 ёшгача ва ундан катталар. 20.00 — Ҳамдўстлик. 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — Время. 22.05 — Сен ҳақингда. Бадиий фильм. 23.20 — Поэзия. В. Казин.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.20 — Юлдузча. 11.00 — Пўлат қандай тобланди. Бадиий фильм. 5-серия. 12.05 — Пионерлар мамлакатида. 12.30 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Инсон болаликдан бошланади. 19.00 — Футбол чорраҳаларида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Серташвиш баҳор. Телетеатр. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Инсон ва қонун. 22.50 — Орқага қайтиш йўқ. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.30— МОСКВА-II. 18.15 — Илмий-оммабоп программа. 18.45 — Довон. Бадиий фильм. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Совет хотин-қизлари. 21.00 — Янги марраларга. 21.30 — МОСКВА-II.

1 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Концерт. 10.25 — Саёҳатчилар клуби. 11.25 — ТАСС вакил қилинган... 2-серия. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.50 — Концерт. 16.10 — Г. Абашидзе поэзияси. 16.45 — Шахсан даҳлдор. 17.30 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 18.00 — Стадион ҳамма учун. 18.30 — Қувноқ нотачалар. 18.45 — Телефильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Мультфильм. 19.40 — Инженерлик ҳақида сўз. 20.20 — ТАСС вакил қилинган... Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.35 — Дунё воқеалари. 23.50 — Спорт ҳафталиги.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильмлар. 9.40 — Сен ҳақингда. Бадиий фильм. 10.55 — Буратино кўргазмаси. 11.25 — Тележурнал. 11.55 —Мультфильм. 12.15 — Истеъдод. 12.45 — Табиатшунослик почтаси. 13.15 — Болалар учун фильм. 14.50 — 16 ёшгача ва ундан катталар. 15.25 — А. де Сент-Экзюпери: Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Осмондан тушган беш ўғлон. Бадиий фильм. 20.20 — Халқ куйлари. 20.45 — Ямаль хроникалари. 21.20 — Совет Иттифоқи бўйлаб. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол. ЦСКА — Динамо (Тб). 23.45 — Ҳужжатли фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.20 — Болалар учун фильм. 10.50 — Пўлат қандай тобланди. Бадиий фильм. 6-серия. 11.40 — Бойчечак. 12.15 Уфқ. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Тенгдошларинг ижодидан. 19.00 — „Бригада усули асосида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Лайли ва Мажнун. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Балет кечаси. 21.30 — Время. 22.05 — Бугун оламда нима гап? 22.20 — Рюбецаль йўли. Бадиий фильм. 23.50 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.25— МОСКВА-II. 18.10 — Телефильм. 18.35 — Алёшанинг севгиси. Бадиий фильм. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Оналарни шарафлаймиз. 21.00 — Ойнинг ўттиз иккинчи куни. Телефильм. 21.30 — МОСКВА-II.

РАДИО

31 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Олтин водий қўшиқлари. 9.30 — Дўстлик байроғи. 12.10 — Ишчинома. 18.15 — Буюк починнинг қудратли қучи. 19.25 — Ёшлик. 20.50 — В. Ғафуров «Ботирга ўлим йўқ». Повестдан парча. 21.10 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 22.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари.

1 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек давлат филармонияси солистларининг концерти. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — КПСС XXVI съезди ривожланган социализмнинг иқтисодий сиёсати ҳақида. 11.25 — Куйлардан қўшиқларга. 12.10 — Узбекистан индустриальный. 19.25 — Қармоқ. 20.50 — Умрбоқий асарлар. 21.10 — Катта Фарғона канали қурилишида янграган қўшиқлар. 22.30 — Халқ қўшиқлари.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000, Тошкент-П.
Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16. 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. 09351. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 174. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12